

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ НАМАНГАН ВИЛОЯТ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ Вилоят халқ таълими педагог ходимларини қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими
кафедраси Таълим менежменти: назария ва амалиёт масалалари бўйича Мактаб
раҳбарларининг малакасини ошириш курслари учун

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

ШАРҲ: Маърузалар матни умумий ўрта таълим мактабларининг маънавий-маърифий тарбия ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйилган Давлат талаблари асосидаги ўқув-мавзуу режага мувофиқ тайёрланди. Унда таълимни бошқаришнинг долзарб масалалари ёритилган. Маъруза матнларидан методистлар, мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг тингловчилари фойдаланишлари мумкин. Тузувчи: Ҳ.Тожибоев - НВПҚТМОИ жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими кафедраси мудири. Тақризчилар: Ҳ.Ю.Мавлонов - НВХТПХҚТМОИ ректори, физика-математика фанлари номзоди, доцент. С.Х.Абдуллаев - НамДУ проректори, педагогика фанлари номзоди, доцент. Ушбу маъруза матнлари НВПҚТМОИ жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими кафедрасининг 2005-йил 25-декабрдаги йиғилишида муҳокама қилинганд, институт илмий кенгашининг 2005-йил 27-декабрдаги 7-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Мавзу: «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг изжроси бўйича амалга оширилган ишлар ва иккинчи босқичдаги вазифалар. (4 соатлик маъруза).

Мақсад: Тингловчиларга кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг биринчи босқичида бажарилган ишлар ва иккинчи босқичдаги вазифалар ҳақида билим бериш.

Режа:

1. «Таълим тўғрисида» Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни таълимни ислоҳ қилишдаги аҳамияти.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш босқичлари ва қўйилган вазифалар.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишни биринчи босқичида бажарилган ишлар.
4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг иккинчи босқичидаги вазифалар.

«Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ IX-сессиясида қабул қилинди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни рўёбга чиқаришнинг 1-босқичида «Таълим тўғрисида» ги қонунига мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш, таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига қўйиладиган зарур талабларни жорий этиш кўзда тутилган.

Мазкур дастурнинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишидан қолган мағкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишидир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қўйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутади.

- «Таълим тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик хукукий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;
- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтиомий мақомини кўтариш.

- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг

ижтиомий ва иккисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютукларидан келиб чиқсан ҳолда қайта қуриш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини

аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;

- таълим, фан ва ишлаб чиқарши самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг микдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан

ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестицияларини жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқариш ва амалиётга жорий этиш;

- кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма- босқич рӯёбга чиқарилади.

Биринчи босқич: (1997-2001 йиллар)–мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун хукукий, кадрлар жиҳатидан илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу босқичда қуидагиларни амалга ошириш назарда тутилган:

- «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш.

- педагог ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширилиши замон талабларида жавоб берадиган даражада ташкил этиш;

- таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий ахолқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

- ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодни ишлаб чиқариш ва жорий этиш;

- ўрта махсус, касб-хунар таълими учун зарур моддий техника, ўқув-услубий ва кадрлар базасини тайёрлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлашга бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришни ҳам назарда тутган ҳолда таълим хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш;

- таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг

тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқариш ва жорий этиш;

- ҳалқаро алоқаларни кенгайтириш ва кучайтириш, кадрлар

тайёрлашда ҳалқаро донорлик ташкилотлари ва фондлари фаолиятига тегишли шароитлар яратиш, шунингдек республика таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича реал чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

- кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рӯёбга чиқарышнинг

мониторингини олиб бориши.

Ушбу босқичда болаларни 6-7 ёшидан мактабга қабул қилиш уларнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланганлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади. Тақозо этилаётган ўқувчи ўринлари зарур моддий-техника шарт-шароитлари ва педагог кадрлар

билин таъминланган ҳолда изчил тайёрланади. Биринчи босқич бажарилишининг мониторинги асосида миллий дастурини рўёбга чиқариш йўлларига аниқликлар киритилади.

Иккинчи босқич- (2001-2005 йиллар)-миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда аниқликлар киритиши.

Мажбурий умумий ўрта ва ўрта маҳсус касб-хунар таълимига, шунингдек ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб табакалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

Таълим муассасаларини маҳсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган мұхит вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади. Ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади.

Таълим хизмати кўрсатиш бозорини шакллантириш механизmlари тўлиқ ишга солинади.

Учинчи босқич. (2005 ва ундан кейинги йиллар)-тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади.

Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-хунар таълим муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини-ўзи бошқариши шакллари мустаҳкамланади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш. Узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.

Умумий ўрта таълим муассасасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурлари» қонунлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майда 203-сонли «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» қарорига мувофиқ ташкил этилади ва ўз навбатида юқоридаги хужжатларга ҳукуматнинг ҳалқ таълими вазирлигининг таълим-тарбияга оид қарор, фармоиш, бўйруқ ва кўрсатмаларини ҳамда муваққад намунавий уставга амал қилинади.

Мактаб узлуксиз таълим тизимининг ассоий бўғини бўлиб у ўқувчи ёшларга 1-9 синф ҳажмда давлат стандартлари доирасида фан асосларида умумий ўрта маълумот берувчи кундузги мажбурий таълим муассасаси ҳисобланади. Мактаб ҳалқ таълими вазирлиги тизимидағи мустақил юридик шахс ҳисобланади ва давлат герби тасвири туширилган мухри, штампи ва бошқа алоҳида белгиларга эга бўлади.

Мактаб эҳтиёжига кўра бошқарувнинг жойлардаги бўлинмаларида ўз ҳисоб-китоб ракамига эга бўлиш мумкин. Мактаб умумий ўрта таълим муассасаларини аттестациясидан ўтказиш ва аккредетация қилиш Давлат тест маркази ҳузуридаги кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиши. Педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестация бошқармаси ўтказган аттестация натижаларига кўра ҳалқ таълими тизимининг бошқарув идоралари розилиги билан маҳаллий ҳокимият қарорига асосан тутатилиши ёки таълимнинг бир туридан бошқа турига ўзгариши мумкин.

Мактабнинг асосий мақсади ўқувчиларни ДТС ларига мувофиқ ўқитиши ва тарбиялаш ҳамда шахснинг таълим олишга доир конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришдан иборатdir. Мактаб ўқувчиларига таълимнинг давлат бошқарув органлари томонидан тасдиқланган ўқув режаси ва дастурлари асосида фан асосларидан билимларнинг зарур ҳажмини беради улардаги ташкилотчилик қобилиятлари ва амалий тажриба кўникмаларини

ривожлантиради, таълимнинг кейинги босқичларида (академик лицей ва касб-хунар коллежлари) онгли равишида мустақил танлашларига қўмаклашади.

Мактаб таълим-тарбия ишларини ҳар бир шахс жамият ва давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширилади. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама камол топтириш учун қулай шарт-шароитлар шу жумладан уларнинг ўз устида мустақил ишлашлари учун қўшимча билим олишалари учун имкониятлар яратилади. Ўқувчиларга ирқи, миллати, мазҳаби, келиб чиқишларидан қатъий назар умумий ўрта таълим олишлари учун имкониятларини яратиб беради. Таълимнинг узлуксизлигини ва изчилигини, инсонпаварлигини ва демократиклигини, илмийлиги ва дунёвийлигини таъминлайди. Билимдон ва қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлайди. Ўқувчиларда фойдали меҳнат қилиш ижобий ва мустақил фикрлаш қўнимларини шакллантиради. Миллий ҳамда умумбашарий қадриятларини ўзвий бирлаштириш асосида ўқувчиларга юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини таркиб топтиради. Ватанига ва халқига содиқ фуқаро шакллантиради. Таълим дастурига нисбатан ягона ва табақалаштирилган ёндашувни таъминлайди.

Мактаблардаги умумий ўрта таълим пировардида қўйидаги натижаларга эришилади:

- билимли, баркамол, маданиятли шахсларни шакллантириш уларни оила, жамият, давлат олдидаги масъулиятини тўла англайдиган ва эгаллаган билимларини ҳаётга тадбиқ эта биладиган шахс сифатида камол топтириш;

- ахлоқан пок, жисмоний бақувват, ватанга садоқатли, фидоий инсон, изланувчан, ташаббускор соғлом авлодни етказиб бериш;

- таълим олувчиларни ўрта маҳсус ўқув муассасалари (академик лицей, касб-хунар коллежлари) да ўқишиларини давом эттиришлари учун тайёрлашдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги 1-чақириқ IX-сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида» Конун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (КТМД) халқ таълими тизимини ислоҳ қилишининг асосий мақсад ва вазифаларини, муҳим йўналишларини, шаклларини, усул ва мазмунини аниқлаб берди. КТМД ни амалга оширишнинг I-босқичи вазифаларини рўёбга чиқариш мақсадида XTB томонидан бр неча қарорлар қабул қилиниб, кенг қамровли ишлари амалга оширилди.

1998-2001 йиллар давомида ўтказилган мониторинг натижа-ларидан маълум бўлди, КТМД ни рўёбга чиқаришнинг I-босқичи вазифаларини амалга оширишга қаратилган тадбирлар асосан бажарилган. Шунинг билан бирга таълим муассасаларининг ўқув- моддий негизини мустахкамлаш, уларни педагогик кадрлар, замонавий ўқув – методик адабиётлар ва техника воситалари билан таъминлаш, таълим соҳасига бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, ноанъанавий мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш масалаларида айрим муаммо ва камчиликлар мавжуд.

2001 йил июнь ойида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси ўқитувчиларининг биринчи анжумани олдидан вилоят, туман (шаҳар) миқёсида ўтказилган ўқитувчилар конференцияларида, таълим муассасаларининг педагогик кенгашларида бу камчилик ва муаммоларни бажариш юзасидан таклифлар асосида иккинчи босқичда амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.

ХТВ нинг 2001 йил 8 октябрдаги ҳайъат мажлисида «Ўзбекистон Республикаси ХТВ нинг кадрлар тайёрлаш миллий дастурини 2001-2005 йиллар (II-босқич) давомида ҳаётга тадбиқ этишга қаратилган тадбирлари» тасдиқланди. («Таълим тараққиёти» 2001 йил, 5-6 сонлари). Тадбирлар 13 бўлимдан иборат:

1. Ташкилий-педагогик ва оммавий тарғибот ишлари.
2. Хукуқий-меъёрий хужжатларнинг янгиланган лойихаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқка киритиши.
3. Мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш давлат талабларини жорий этиш ва таълим-тарбия самарадорлигини ошириш.
4. Бошланғич таълим тизимида таълим самарадорлигини ошириш.
5. Умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштириш ва таълим самарадорлигини ошириш.

6. Фан, олий педагогик таълим, олий ўқув юртларидан кейнги таълим ҳамда кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш.
7. Мактабдан ташқари таълим тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш.
8. Маънавият ва маърифат йўналишида таълим тарбия самарадорлигини ошириш.
9. Харбий ватанпарварлик ва жисмоний тарбия соҳасида.
10. Янги ахборот технолгияларини таълим тизимига жорий этиш.
11. Таълим муассасалари ва ўқув юртларининг моддий техника негизини мустахкамлаш.
12. Таълим ва кадрлар соҳасида халқаро алоқалар.
13. Миллий дастур ижроси мониторингини амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида Қонунлари. 1997 йил. 29 август.
2. Р.Ахлиддинов ва бошқалар. «Ўзбекитонда таълимни бошқариш: муаммолар, изланишлар, ечимлар». «Таълим тараққиёти» 2000 йил 3-сон.
3. М.Мирқосимов. «Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари». Т. «Ўқитувчи». 1995 йил.
4. «Таълим тараққиёти». Т. «Шарқ». 1998 йил 1-сон.
5. «Таълим тараққиёти». Т. «Шарқ». 2001 йил 5-6 сонлари.
6. «Ўқувчи маънавиятини шакллантириш». қўлланма. Т. «Шарқ». 2000 йил.

Тест саволлари.

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини руйёбга чиқариш боскичлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
 1. 1996-1999 йиллар, 1999-2001 йиллар, 2001-2005 йиллар
 2. 1997-2001 йиллар, 2001-2003 йиллар, 2003-2005 йиллар
 3. 1996-2001 йиллар, 2001-2005 йиллар, 2005-ва кейинги йиллар.
 4. 1997-2001 йиллар, 2001-2005 йиллар, 2005 ва кейинги йиллар.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркиби қисмлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
 1. Шахс, давлат ва жамият, фан, ишлаб чиқариш, узлуксиз таълим.
 2. Давлат ва жамият, шахс, ишлаб чиқариш, узлуксиз таълим, фан.
 3. Шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.
 4. Фан, давлат ва жамият, ишлаб чиқариш, узлуксиз таълим, шахс.
3. «Таълим тўғрисида»ги қонун қаҷон қабул қилинган ва неча моддадан иборат?
 1. 1991 йил 31 август, 7 бўлим, 44 модда.
 2. 1997 йил 29 август, 5 бўлим, 34 модда.
 3. 1992 йил 2 июнь, 5 бўлим, 45 модда.
 4. 1993 йил 2 сентябрь, 7 бўлим, 44 модда.
4. «Таълим тўғрисида» ги қонуннинг 12 моддаси нимага бағишлиланган?
 1. Умум ўрта таълимга. 2. Таълим тизимини бошқариш.
 3. Педагогик ходимларнинг малакасини ошириш.
 4. Педагогик ходимларнинг мажбурияти.
5. Таълим тўғрисидаги қонуннинг 16-моддаси нима ҳақида?
 1. умумий ўрта таълим. 2. олий таълим.
 3. кадрлар малакасини ошириш ва уларни кайта тайёрлаш.
 4. Мактабгача таълим
6. Умумий ўрта таълим неча босқичда амалга ошади?
 1. 2 босқичда. 2. 3 босқичда.
 3. 1 босқичда. 4. 5 босқичда
7. Ота-оналар ва қонуний вакилларнинг вазифалари "Таълим тўғрисида" ги қонуннинг қайси моддасида кўрсатилган?

1. 12 моддасида.
2. 20 моддасида.
3. 21 моддасида.
4. 30 моддасида.

Мавзу: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг 1998 йил 13-майдаги
Ўзбекистон Республикасида «Умумий ўрта таълимни ташкил этиши тўғрисида» ги 203-сонли ва 1998 йил 16 августдаги «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 390-сонли қарорлари асосида вазифалар. (2 соатлик маъруза).

Мақсад: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасига оид қабул қилган қарорлари ва қўйилган вазифалар ҳақида маълумот бериш.

РЕЖА:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13-майдаги «Умумий ўрта таълимни ташкил этиши тўғрисида» ги 203-сонли қарори ва унинг таълимда ислоҳотларни амалга оширишдаги аҳамияти.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13-майдаги «Умумий ўрта таълимни ташкил этиши тўғрисида» ги 203-сонли қарорида қўйилган вазифалар.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 16 августдаги «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 390-сонли қарори ва қўйилган вазифалар.
4. Умумий ўрта таълимни давлат таълим стандартининг мазмуни ва уни жорий этиш асослари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13-майдаги «Умумий ўрта таълимни ташкил этиши тўғрисида» ги 203-сонли қарори ва унинг таълимда ислоҳотларни амалга оширишдаги аҳамияти.

Мамлакатимиз келажаги учун Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» жуда муҳим аҳамиятга эга, унда шундай дейилади:

«Республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсад ва ҳаракатга келтирувчи кучи бу инсон, унинг баркамол ривожланиши, фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқариш шароитлари ва таъсирчан механизмларини яратиш. Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равиша танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, хуқуқий, психологик-педагогик ва бошка шарт-шароитларни яратишни, жамият ва давлат оила олдида ўз масъулиятини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади».

Миллий дастурнинг ушбу қоидаларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси бир қатор қарорларни қабул қилди.

Улардан энг асосийси, 1998 йил 13-майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиши тўғрисида» ги 203-сонли қароридир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» га мувофиқ умумтаълим мактабларининг ўқитиши дастурларини ислоҳ қилиш, тўққиз йиллик умумий ўрта таълимнинг сифат жиҳатидан янги тизимини яратиш, унинг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан давомийлигини ва узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилиши лозим бўйланган вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13-майдаги «Умумий ўрта таълимни ташкил этиши тўғрисида» ги 203-сонли қарорида қўйилган вазифалар.

1. Умумий ўрта таълими мактаблари (1-9 синфлар) нинг таълим дастурлари:
 - ўқувчиларнинг мунтазам билим олишини, уларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантиришни, асосий ўқув, илмий ва умуммаданий билимларни шакллантиришни;
 - ўқувчиларда меҳнат кўнникмалари, мустақил ижодий фикрлаш, касб танлашга ва атроф оламга онгли муносабатни хосил қилишни;
 - миллий ва умумбашарий қадриятларни узвий бирлаштириш асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашни, ўз Ватанига, ва халқига содик фуқарони шакллантиришни;
 - 1-9 синфлар ўқув дастурларининг академик лицейлар ва касб-хунар коллежларидағи ўқитиши дастурлари билан ўзаро узвий боғланишини таъминлаши лозим.

2. Ўзбекистон Республикасида «Умумий ўрта таълим тўғрисида» ги низом тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги:

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим давлат таълим стандартини ишлаб чиқсин.

1998-1999 ўкув йилида уни синовдан ўтказишни таъминласин ва 1999 йил 1 июнга қадар тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин, 1999-2002 ўкув йилидан бошлаб умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини умумтаълим мактабида ўқитиши дастурлари билаен биргаликда жорий этилишини таъминласин.

4. 1998 йил 1 сентябрга қадар умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини ишлаб чиқиши билан бир пайтда унинг асосида умумтаълим мактаблари учун тажриба ўкув дастурлари ишлаб чиқилишини таъминласин. Бунда 10-11 синфлар ўкув дастурларининг тегишли равишда 5-9 синфлар ўкув дастурларига, шунингдек, академик лицейлар ва касб-хунар колледжлари дастурларига ўтказилишини назарда тутсин.

1998-1999 ўкув йилида ўкув дастурлари умумтаълим мактабларида тажриба тариқасида синаб кўрилсин, 1998 йил 1 июнгача тажриба ўкув дастурларини синаб кўрин якунларини ҳисобга олган ҳолда умумлаштирасин ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. 1999 йил 1 августгача 1-9 синфлар учун мактаб дарсликларини тайёрлаш дастур-топшириқларини ишлаб чиқиши таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Давлат Тест Маркази:

- 1998 йил 1 августга қадар таълим муассасаларини, умумий ўрта таълим раҳбар ходимларини ва педагог кадрларини даврий равишда аттестациядан ўтказиб туриш тартибини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

- 1998 йил 1 сентябрга қадар 5-9 синфлар ўкувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқларинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги:

1998 йил 1 сентябрга қадар Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги билан биргаликда халқ таълими туман, шаҳар бўлимлари тузилмасида ўкувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказларини ташкил этсин.

Марказлар штатдаги ходимларининг сони кўпи билан 4 нафардан иборат этиб белгилансин.

Қарорда ташхис маркази низомини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш ҳамда марказнинг асосий вазифалари белгилаб берилган.

Шунингдек ҳар йили 1 августга қадар мактаблар-нинг малакали педагог кадрлар, ўкув-услубий адабиётлар, дидактик материаллар, ўқитишининг техник ва ахборот воситалари билан таъминлаш, таълим муассасаларининг моддий техника базасини тайёрлаш, ўкувчилар учун зарур санитария-маиший ва ижтимой шароитлар яратилишини таъминлаш, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини мунтазам ишлашини таъминлаш, мактаб ўкувчиларини ҳар йили тиббий кўриқдан ўтказиб туриш каби вазифалар юқлатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 16-августдаги «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаши тўғрисида» ги 390-сонли қарори ва қўйилган вазифалар.

«Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисида ги Ўзбекистон Республикаси Конунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» ги 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарори бажарилишини таъминлаш, таълим мазмунига ислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиқкан ҳолда зарур тузатишлар киритиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 16 августда «Умумий ўрта таълимнинг ДТС ни тасдиқлаш тўғрисида» ги 390-сонли қарорини қабул қилди. Унда шундай дейилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 1998-1999 ўқув йилида таълим муассасаларида тажриба синовдан ўтган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: 1998-1999 ўқув йилида таълим муассасаларида тажриба- синовдан ўтган умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурлари ва режалариниң белгиланган тажрибада тасдиқласин.

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув дастурлари билан биргаликда кўйидагича босқичма-босқич жорий этсин:

- 1999-2000 ўқув йили 5-б синфлар
- 2000-2001 ўқув йили 7-синф
- 2001-2002 ўқув йили 8-синф
- 2002-2003 ўқув йили 9-синф

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлариин нашр этсин ва 1999 йил 1 сентябргача таълим муассасаларига етказсан.

Янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига асосан оригинал дарслкларни яратиб, белгиланган тартиб ва муддатларда нашриётга топширсан.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб, педагог кадрларни янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари билан фаолият кўрсатишлари таъминлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитаси, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида яратилган оригинал дарслкларни буюртма ва эҳтиёж асосида ўз вақтида чоп этиш ҳамда жойларга етказишни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги тақдим этган смета асосида давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларни нашр этиш учун сарфланадиган маблағларни белгиланган тартибда ажратсан.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда халқ таълими вазирлиги академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари учун таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиша таълим турлари ва босқичлари ўртасидаги узвийликни, таълим мазмуни узлуксизлигини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси Ислом Каримов.

Тошкент шаҳри. 16 август. 1999йил

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарликларига, савиасига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб берди.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усууларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли муассасаларда (давлат ва нодавлат таълимнинг шарти амалга ош ирилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарслклар, қўлланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қиласин.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўзининг тузилиш ва мазмунига кўра давлат, ҳудуд ва мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради, ҳамда энг асосийси ўкувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлиари устиворлигидан келиб чиқади. Давлат таълим стандартини бажаришт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъий назар, барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётини нг пойдевори» И.Каримовнинг 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқи.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги ва 1999 йил 16 августдаги қарорлари.

3. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. 1999 йил 4-махсус сон.

Тест саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси вазирлар махкамасининг "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида" ги 203-сонли қарори қачон қабул қилинган?
 - 1.1998 йил 23 май.
 - 2.1998 йил 20 май.
 - 3.1998 йил 16 май.
 - 4.1998 йил 13 май.
 - 5.1998 йил 10 май.
2. Ўзбекистон Республикасида "Умумий ўрта таълим тўғрисида Низом қачон тасдиқланган?"
 - 1.1998 йил 1 август.
 - 2.1998 йил 1 июль.
 - 3.1998 йил 1 сентябрь.
 - 4.1998 йил 13 май.
 - 5.1998 йил 10 июнь.
3. "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 203-сонли қарори давлатнинг қайси Конунини бажаришга қаратилган?
 - 1."Таълим тўғрисида" ги қонунни.
 - 2."Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ни.
 - 3."Давлат таълим стандартлари" ни.
 - 4.1 ва 2 жавоблар тугри.
 - 5.2 ва 3 жавоблавр тугри.
4. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти нималарни меъёrlайди?
 1. Таълим дастурларининг мажбурий минимал мазмунини.
 2. Ўқувчилар ўқув юкламасининг максимал ҳажмини.
 3. Битиравчиларнинг умумий таълим тайёргарлиги савиясига доир талабларни.
 - 4.1 ва 2 жавоблар тугри.
 - 5.3 ва 4 жавоблар тугри.
5. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти нечта бўлимдан иборат?
 1. 2 та.
 2. 3 та.
 3. 4 та.
 4. 5 та.
 5. 6 та.
6. Умумий урта таълимнинг ДТС амалиётга кандай жорий этилади?
 - 1.1999-2000 укув йилидан амалиётга кисман жорий этилади.
 - 2.1999-2000 укув йилидан амалиётга туту жорий этилади.
 - 3.1999-2005 йилгача аста-секин жорий этилади.
 - 4.1999-2000 укув йилидан 2002-2003 укув йилигача боскичма-боскич жорий этилади.
 5. Хамма жавоблар тугри.

Мавзу: *Мактабни бошқаришининг назарий-педагогик асослари.* (4 соатлик маъруза).

Мақсад: Тингловчиларга бошқариш, унинг турлари, вазифалари, тамойиллари, усуллари, мактабни бошқаришининг педагогик асослари ҳақида билим бериш.

Режа:

1. Бошқариш ҳақида умумий тушунча.
2. Бошқариш турлари.
3. Бошқариш вазифалари.
4. Бошқариш тамойиллари.
5. Бошқариш усуллари.
6. Мактабни бошқаришининг педагогик асослари.

Бошқариш деганда, одатда раҳбарлик лавозимига расман тайинланган шахсларнинг ишигина тушунилади. Бошқаришга шунингдек, мураббийлик иши ҳам таалуқли ҳисобланади.

Бошқариш – бу мавжуд минимал имкониятлардан максимал натижаларга эришиш мақсадида алоҳида бир ҳодим, гурухга таъсир қилиш, улар билан ҳамкорлик қилиш жараёнидир. Таълимни бошқариш жараёни энг муҳим ва мураккаб меҳнат тури деб эътироф қилинган. Таълим ривожланиб борган сари, бошқарув нафақат ривожланади, балки мураккаблашиб ҳам боради.

Таълимни бошқариш масалалари бир томондан жамият ижтимоий- иқтисодий ривожининг объектив қонунларига бевосита боғлиқ бўлса, иккинчи томондан

ривожланаётган жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари талабларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Жамият тараққиетида таълим ва кадрлар тайёрлаш ролини яхши тушунган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул қилишнинг ташаббускори бўлди. Дастурда таълим тизимини бошқариш масалаларига ҳам катта эътибор берган. (4.6-банд). Жумладан дастурга мувофиқ:

- узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилади.
- барча даражадаги таълимни бошқариш органларининг ваколат доиралари «Таълим тўғрисида» ги Қонунга мувофиқ белгиланади. (IV-бўлим, 25-28 моддалар).
- таълимнинг меъёрий-хуқуқий базаси ривожлантирилади.
- ўқув юртларининг молиявий-хўжалик фаолиятини юритиш ва таълим жараёнини ташкил этишда хуқуqlари кенгаяди ва мустақиллиги таъминланади.
- таълим муассасалари аттестациядан ўтказилади ва аккредита-цияланади ҳамда унинг якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш хуқуқи берилади.
- муассис ташкилотларнинг, маҳаллий хокимият органларининг, ишбилиармон доираларнинг, жамоат ташкилотларининг, жамғармалар ва хомийларнинг вакилларини ўз ичига олувчи васийлик ва кузатув кенгаchlари тузиш орқали таълим муассасаларининг самарали, жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

«Таълим тўғрисида» ги Қонуннинг 28-моддасида шундай дейилади: Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради. Таълим муассасаларида қонун хужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин. Маълумки, жамият асосий уч соҳани: иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларни ўз ичига олади. Шунга кўра бошқаришнинг ҳам учта асосий тури мавжуддир.

1. Иқтисодий бошқарув.
2. Ижтимоий-сиёсий бошқарув.
3. Маънавий ривожланишни бошқаруви.

Хозирги вақтда республиканинг моддий-техника базасини мустахкамлаш ва ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантириш иқтисодиётни бошқариш олдига қўйилган мақсаддир. Ижтимоий-сиёсий бошқариш кишиларнинг турли жамоалари ўртасидаги муносабатларни ҳам, ана шу жамоалар ичида кишилар ўртасидаги муносабатларни ҳам бошқаришdir. Жамият ва унинг ҳар бир аъзосининг маънавий ривожланишини бошқариш - бошқаришнинг яна бир асосий туридир. У умумий ўрта таълим мактаблари, мактабгача, мактабдан ташқари таълим муассасалари, халқ таълими, ўрта маҳсус, касб - ҳунар таълими, олий ўқув юртлари, малака ошириш институтлари, фан, адабиёт, санъат, маданият каби соҳаларни бошқаришни ўз ичига олади. Бошқарув вазифаларига: режалаштириш, ташкил қилиш, созлаш, мувофиқлаштириш, назорат ва ҳисоб-китоб қилиш киради. Барча ишлаб чиқариш ҳодимларини, жумладан, мактаб ҳодимларини бошқарув аппаратига ва ўқув тарбия ҳамда мактабнинг бошқарув фаолияти билан шуғулланувчи кишилари (мактаб директори, директорнинг ўқув тарбия ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлар, тарбиявий ишлар ташкилотчиси, методик бирлашма раҳбарлари, касаба уюшма ташкилоти раиси) бошқарув аппаратини ташкил қиласди. Бошқарув аппаратининг бир қисмини кишиларни бошқарувчи шахслар ташкил этса, иккинчи қисмини ижрочилар ташкил қиласди. Ижрочи ҳодимлар икки гурухга бўлинади: мутахассислар ва техник ҳодимларга.

Бошқариш тамойиллари (принциплари)

1. Демократик тамойил.
2. Бошқаришнинг илмийлик тамойили.
3. Бошқаришнинг жамоатчилик ва шахсан масъуллик тамойили.
4. Бошқаршда ижрони текшириш тамойили.
5. Бошқаришнинг режалилик тамойили.
6. Бошқаришнинг самарадорлик ва тежамкорлик тамойили.

Бошқариш усуллари.

1. Бошқаришнинг ташкилий – маъмурий усуллари.
2. Бошқаришнинг социал (ижтимоий) – психологик усуллари.
3. Бошқаришнинг ҳуқукий усуллари.
4. Бошқаришнинг бевосита кўрсатма бериш усуллари.
5. Бошқаришда рағбатлантиришдан фойдаланиш усуллари.
6. Кадрларни маънавий жихатдан ривожлантириш усуллари.
7. Бошқаришда кузатиш усули.
8. Бошқаришда сухбат усули.
9. Мактаб хужжатларини таҳлил қилиш усули.

Бошқариш актлари икки турга бўлинади:

- норматив актлар. - шахсий актлар.

Мактаб ичидаги бошқарув тизими.

Мактаб ички бошқарув тизимида ҳам бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимчалар мавжуд. Мактаб ички бошқарув тизимида директор бошлиқ унинг ўқув, тарбия ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари бошқарилувчи тизмчага киради. Лекин бу тизимча ўз фаолиятида мактабдаги ташкилотларга суюнган ҳолда, улар билан яқиндан ҳамкорликда бошқарув ишларини амалга оширади. Бошқарилувчи тизимча эса ўз йўлида бир қанча бошқариш манбаларига бўлинади. Уларга қўйидаги манбалар киради:

1. Мактабнинг ўқув-моддий ва техникавий базасига тааллукли ишлар.
2. Мактабни ўқитувчи ва тарбиячи ҳамда техник ходимлар билан таъмин этиш, уларни жой-жойига тўғри қўйиш ва улар билан ишлаш.
3. Мактаб жамоаси фаолиятида бошланғич, умумий ўрта таълимни амалга ошириш.
4. Мактабнинг ўқув тарбия ишлари.
5. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар.
6. Мактабнинг методик ишлари.
7. Синф раҳбарлари.
8. Мактаб ўқувчилари билан олиб бориладиган ишлар.
9. Мактаб кутубхонаси ишлари.
10. Ота-оналар қўмитаси ишлари.
11. Ўқувчиларга тиббий хизматни ташкил қилиш бўйича ишлар.
12. Мактабнинг молия-хўжалик ишлари.
13. Мактабнинг ҳамкорликдаги ишлари:
 - ота-оналар ва жамоатчилик билан.
 - оталиқ ва база корхоналари билан
 - тиббиёт ва савдо ташкилотлари билан.
 - китоб савдоси ташкилотлари билан
 - ўқув юртлари билан.
 - мактабдан ташқари болалар муассасалари билан.
 - қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари билан ва хоказолар.
14. Мактаб хужжатларини юритиш ишлари.
15. Педагогик ходимлар малакасини ошириш ишлари.
16. Мактабнинг педагогик ташвиқот ишлари ва шу кабилар.

Фойдаланилган адабиётлар.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида Қонунлари. 1997 йил. 29 август.
8. Р.Ахлиддинов ва бошқалар. «Ўзбекитонда таълимни бошқариш: муаммолар, изланишлар, ечимлар». «Таълим тараққиёти» 2000 йил 3-сон.
9. М.Мирқосимов. «Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари». Т. «Ўқитувчи». 1995 йил.
10. «Таълим тараққиёти». Т. «Шарқ». 1998 йил 1-сон.
11. «Таълим тараққиёти». Т. «Шарқ». 2001 йил 5-6 сонлари.

12. «Ўқувчи маънавиятини шакллантириш». қўлланма. Т. «Шарқ». 2000 йил.

Тест саволлари.

1. Таълим тизимини бошқариш масалалари давлатнинг қайси хужжатларида таъкидланган?
 - a) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида.
 - b) «Таълим тўғрисида» ги Қонунда
 - c) Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида.
 - d) b ва с жавоблар тўғри.
2. Бошқариш турлари қайси жавобда берилган?
 - a) Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий.
 - b) Социал-психологик.
 - c) Ташкилий-маъмурий
 - d) Хужжатларни тахлил қилиш.
3. Бошқарув вазифаларига нималар киради?
 - a) Режалаштириш, ташкил қилиш, созлаш.
 - b) Ишлаб чиқариш, реализация қилиш.
 - c) Мувофиқлаштириш, назорат, ҳисоб-китоб қилиш.
 - d) а ва с жавоблар тўғри.
4. Бошқариш тамойилларини аниқланг.
 - a) Рағбатлантириш, кузатиш.
 - b) Кўрсатма бериш, сухбат.
 - c) Ижрони текшириш, режалилик.
 - d) Ривожлантириш, тахлил қилиш.

1-d, 2-a, 3-d, 4-c

Мавзу: Ўзбекистонда таълимни бошқаришининг мақсади, вазифалари ва бошқарииш фаолиятини ташкил этиши. (2 соатлик маъруза).

Мақсад: Тингловчиларга Ўзбекистонда таълимни бошқаришининг ҳозирги аҳволи, тарихи, анъаналари, бошқариш моделлари ва тамойиллари, Ўзбекистонда таълимни бошқариш муаммолари ва уни ҳал қилиш йўллари ҳақида билим бериш.

Режа:

1. Ўзбекистонда таълимни бошқаришининг ҳозирги аҳволи.
2. Ўзбекистонда таълимни бошқариш тарихи ва анъаналари.
3. Таълимни бошқаришининг моделлари ва тамойиллари.
4. Ўзбекистонда таълимни бошқариш муаммолари ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ уларни ҳал қилиш йўллари.


Ўзбекистон Республикаси хукуматининг таълимни ижтимоий иқтисодий тараққиётининг устивор соҳаси деб эълон қилиши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини демократлашуви, инсонпарварлашуви, КТМД нинг қабул қилиниши таълим тизимини ривожланишига ва таълим муассасаларининг янги турлари пайдо бўлишига асос бўлди.

Ижтимоий воқелик таълимни бошқариш муаммоларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишни мустақил йўналиш сифатида ажратиб олиш, ўқув-тарбия жараёнини бошқаришининг асосланган услугуб ва воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш заруратини белгилаб берди. Бошқарув жараёни барчага таниш ва маълум, ҳаётимиз давомида ҳар биримиз бу жараёнда у ёки бу даражада кўп марталаб иштирок этамиз.

Кейинги пайтларда корхона, фирма, муассаса, бошқарувчи-ларини «менежер» сўзи билан, улар фаолиятини эса менежмент (французча «тепејемент» - хўжалик фаолияти билан шуғулланиш) сўзи билан атамоқдалар. Менежер ривожланган мамлакатларда нуфузли касблардан бири ҳисобланади. Бу сўз бизда ҳозирча кенг қўлланилмаётганлигини инобатга олиб, биз бошқариш ҳақида сўз юритамиз. Бошқариш деганда, одатда, раҳбарлик лавозимига расман тайинланган шахсларнинг ишларини тушунилади.

Бошқариш – бу мавжуд минимал имкониятлардан максимал натижалрга эришиш мақсадида алоҳида бир ҳодим, гурухга таъсир қилиш, улар билан ҳамкорлик қилиш жараёнидир.

Бошқаришининг самарали бўлишининг шартларидан бири кичик тизим ва унинг бўғинлари ўртасида бевосита ва қайта алоқанинг ўрнатилганлигидир. Масалан, ҳалқ таълими вазирлигига нисбатан қўлланилганда қўйидагича ифодаланади.



Ўзбекистонда таълимни бошқариш тарихи ва анъаналари.

Маълумки, Ўзбекистон қадимий тарихга эга. Аждодларимиз бизга фан, адабиёт, санъат асарларини мерос қолдиргандар. Буюк ёдгорликлар - мақбараалар, расадхоналар, миноралар, ва бошқа ёдгорликлар асрлар оша яшамоқда.

Машҳур аждодларимиз бизга бошқаришга оид кўп ёзма ёдгорликлар қолдиришган. Амир Темур ўгитларида, Абу Наср Фаробий, Ал Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фарғоний ва бошқа қўплаб аждодларимизнинг юз йиллар аввал ёзилган асарларида ҳозирги бошқарувчилар учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган фикрлар битилган. Ҳукумдор қандай ҳаракат қилиши, қўл остидагиларга қандай талаблар қўйиши, айниқса ёш авлод тарбиясида нималарга эътибор берилиши ҳақида тавсиялар берилган

Шўролар даврида таълимни бошқариш марказлаштирилган тизим шаклида олиб борилди. Давлат мустақилликка эришгандан сўнг таълим тизимини бошқаришини демократлашириш, бошқаришининг янги концепциясини яратиш зарурати туғилди. Бу ўз навбатида ҳалқ таълими бошқарув органларининг барча бўғинларида мустақиллик ва ташаббусга кенг йўл очиб беради. (“Таълим тараққиёти” 2000 йил, 3-сон, 12-17 бетлар.)

Шу муносабат билан рационал бошқарув вазифалари ва ваколатларини юқоридан қўйига берилишини таъминлаш, марказлашган бошқаришни эса ягона давлат таълим сиёсатини таъминловчи энг муҳим йўналишларда таъминлаш зарур. Бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибасидан сабоқ олишимиз керак. Францияда марказлаштирилган тизим қўлланади.

АҚШ, Англия, Германияда марказлаштирилмаган тизим анъаналари шаклланди. Ўзбекистонда давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсати КТМД да баён қилинган ўз моделига асосланган.

Бу модел:


- таълим устуворлигини таъминлаш;
- бозор иқтисоди шароитларида ишлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш;
- турли кўринишдаги ва мулк шаклидаги таълим муассасаларини уларни ДТС талабларига мувофиқ бўлиши таъминланган ҳолда қўллаб - қувватлаш;
- ўқувчи ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш,
- таълим муассасаларининг моддий-техника ва ўқув-услубий базаларини мустаҳкамлашни такомиллаштиришга қаратилган.

Қайд этиб ўтилган анъаналарни эътиборга олган ҳолда таълимни бошқариш тизими ҳам демократлаштириш, инсонпарварлаштириш ва марказлашувдан чиқариш **тамойиллари** асосида ислоҳ қилинмоқда. Жумладан, таълим муассасаларини молиявий-хўжалик фаoliyatiini амалга оширишда ва ўқитиши жараёнини ташкил қилишда уларнинг хуқуқ ва мустақиллигини кенгайтиришни таъминлаш, васийлар кенгаши ва назорат кенгашлари тузиш орқали таълим муассасаларида жамоат бошқарувининг самарали тизимини жорий этиш белгиланмоқда.

Ўзбекистонда таълимни бошқаришга комплекс ёндашув жараёнидан фойдаланамиз. (бу биз танлаган йўл). Бу модел буюртмачи эҳтиёжларини батафсил таҳлил қилишдан бошланувчи бошқариш жараёнидир.

Ўқитувчилар ва мактаб директорлари учун мижоз, уларга ишониб топширилган ўқувчилардир. Мактабни бошқаришда бошқа манфаатдор шахслар, масалан, ота-оналар, маҳалла ёки туман ҳокимликлари ҳам мавжуд, албатта. Туман учун мактаб директорлари, шунингдек, солик тўловчилар мижоз ҳисобланади. Буюртмачи талабларини юқори ўринга қўйиб, биз режалаштиришни амалга оширишда уларга кўмаклашамиз.

Оқилона менежмент туркуми.



Ўзбекистон таълим тизимида бошқаришнинг қандай усули кўп қўлланилади?

Ўзбекистонда «X» назарияси «бошлиқдан бўйсунувчи ходимга» шакли кенг тарқалган. Ҳозирги пайтда таълим тизимини бошқарувчилари олдида «Y» назарияси асосларини жорий қилиш вазифаси турибди.

Бошқарув ҳодимларини 4 турга бўлиш мумкин:

«X» назариясига дахлдор турлар:

- бошлиқ (раҳбар) кўл остидаги ҳодимларга буйруқ беради.
- насиҳатгўй, асос – далиллар келтириб, кўл остидаги ҳодимларни маълум тарзда иш тутишга ишонтиради.

«У» назариясига дахлдор турлар:

- маслаҳатлашувчи – фаолият режасини ишлаб чиқиш учун кўл остидаги ҳодимларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитади.
- ваколатларнинг бир қисмини ҳодимларига берувчи фаолият режаси тузишни ва сиёsatни ишлаб чиқишни ўз қўли остидаги ҳодимларга ишонади.

Бошқарув ҳодимларининг бу турлари раҳбарликнинг вазиятга қараб раҳбарлик қилиш машхур назарияси асосида ишлаб чиқилган. Бу назария турли ҳолатларда раҳбарликнинг турли усусларидан фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди. Масалан: турли вазиятларда қандай усулдан фойдаланиш бўйича мисоллар келтирилади. «Таълим тараққиёти» 2000 йил, 3-сон, 28,34-бетлар).

Ўзбекистонда таълимни бошқариш муаммолари.

КТМД ўз мазмунига кўра:

- тармоқ ёки муассаса тараққиётининг илк ҳолатини.
- кутилаётган бўлажак аҳволи қиёфасини.
- Ҳозирги замондан келажакка ўтиш бўйича ҳатти-ҳаракатлар тизими ва тартибини аниқловчи фаолиятнинг меъёрий моделидир.

Муаммолар:

- Режалаштиришни «кўр-кўрона» амалга ошириш.
- Ахборот оқимлари ва коммуникациялар муаммоси.
- Мотивация ва назорат қилиш муаммолари.
- Вақтдан унумли фойдаланиш муаммоси.
- Таълимни стандартлаштириш – самарали бошқарув омили ва воситаси.
- Касбий тайёргарлик муаммоси.

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш йўллари ҳақида «Таълим тараққиёти» нинг 2000 йил, 3-сонида, 34-93 бетларда баён қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар.

- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида Қонунлари. 1997 йил. 29 август.
- Р.Ахлиддинов ва бошқалар. «Ўзбекистонда таълимни бошқариш: муаммолар, изланишлар, ечимлар». «Таълим тараққиёти» 2000 йил 3-сон.
- М.Мирқосимов. «Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари». Т. «Ўқитувчи». 1995 йил.
- «Таълим тараққиёти». Т. «Шарқ». 1998 йил 1-сон.
- «Таълим тараққиёти». Т. «Шарқ». 2001 йил 5-6 сонлари.
- «Ўқувчи маънавиятини шакллантириш». қўлланма. Т. «Шарқ». 2000 йил.

Тест саволлари.

- Таълим тизимини бошқариш «Таълим тўғрисида» ги Қонуннинг қайси бўлими ва моддаларида кўрсатилган?
 - II-бўлим 16-19 моддаларида
 - III-бўлим 20-24 моддаларида
 - IV-бўлим 25-29 моддаларида
 - V-бўлим 30-34 моддаларида
- Таълим тизимининг бошқариш масалалари КТМД нинг қайси бандида кўрсатилган?
 - 2.1-2.2 бандларида.
 - 2.1-3.5 бандларида.
 - 3.1-3.5 бандларида.
 - 4.1-4.15 бандларида.
- Менежмент сўзи қайси тилдан олинган ва қандай маънони англатади?
 - Лотинча – раҳбарлик қилиш.
 - Французча – хўжалик фаолияти билан шуғулланиш.

- c) Инглизча – таълимни бошқариш.
d) Немисча – иш юритувчи.
4. Ўзбекистонда таълимни бошқарышнинг қандай тизимига ўтиш режалаштирилган?
a) Марказлашган бошқарув тизими.
b) Марказлаштирилган бошқарув тизими.
c) Мустақил бошқарув тизими.
d) Барча жавоблар тўғри.

1-c, 2-d, 3-b, 4-b.

Мавзу: Мактаб ички бошқарув тизимида раҳбарлик услуби, маданияти ва раҳбарнинг фазилати ҳамда муомала одоби. (2 соатлик маъруза).

Мақсад: Мактаб раҳбарларининг мактаб ички бошқарув тизимида раҳбарлик услуби, бошқариш маданияти, раҳбарнинг фазилати ҳамда ўкувчилар билан муомала одоби ҳакида билим бериш.

Режа:

1. Мактаб ички бошқарув тизимида раҳбарлик услуби.
2. Бошқариш маданияти ва мезонлари.
3. Мактаб раҳбарининг фазилати ва хусусиятлари.
4. Мактаб раҳбарининг ўқитувчилар билан муомала одоби.

Мактабни бошқариш ижодий жараён бўлиб, у мактаб раҳбарларининг ҳилмаҳил иш усулларида намоён бўлади. Мутлақо икки киши бир ҳил бўлмаганидек, раҳбарлиқда ҳам мутлақо бир ҳил услугуб йўқ. Раҳбарлик услуби раҳбарларнинг ўз қўл остидагилар билан бевосита алоқасида, уларнинг ўзаро муносабатларида таркиб топади. Услуб жамоадаги ижтимоий муносабатларнинг бутун йиғиндиси билан шаклланади, бироқ услугуб асосан раҳбарга боғлиқ. Худди шу раҳбар мактабнинг таълим тарбиявий ва хўжалик ишларини бир-бирига чамбар-час боғлиқлигини амалга оширади.

Хар-бир раҳбар – тарбиячидир. Раҳбар қўл остидаги шахсга шу қадар педагогик маданиятлилиқ билан таъсир кўрсатиш керакки, бу таъсир натижасида мазкур мактаб педагоглар жамоасининг хар бир аъзосида онглийк шакллансан.

Мактаб директорининг жамоага таяниб раҳбарлик қилиш санъати, қўл остидагиларнинг фикрларини англаб олиш ва тезда тўғри хulosалар чиқариш қобилияти бошқарув ишининг тўғри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Мактаб жамоасида яхши ижтимоий-психологик муҳит ва вазиятнинг бўлиши кўп жихатдан раҳбар билан ўқитувчилар ва тарбиячилар ўртасидаги муносабатларга ҳам боғлиқдир.

Мустахкам интизом бўлган тақдирдагина нормал педагогик иш вазиятини ва жамоада тўғри ўзаро муносабатларни вужудга келтириш мумкин. Мустахкам педагогик интизомга эга мактаб раҳбарининг талабчанлиги, танқид ва ўз-ўзини танқид ошкораларини ривожлантириш йўли билан эришилади.

Мактаб раҳбари ўқитувчи ёки тарбиячининг таълим тарбия соҳасидаги хар бир ютуғини, у кўрсатган ёки кўрсатаётган ташаббусини дархол қайд қилиши катта аҳамиятга эгадир. Буни хеч қачон эсдан чиқармаслиги лозим. Чунки ўқитувчи ҳодимларнинг меҳнатига тўғри баҳо бериш ва уларни рағбатлантириб бориш мактабнинг ўқув тарбия ишларини янада такомиллаштиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Бошқариш маданиятининг элементлари тегишли мезонлар билан белгиланадиган ахлоқ қоидалари (хуқуқ ва этика) ни ўз ичига олади. Хуқуқ мезонлари халқ таълими қонунларида давлат хуқуқ-меъёрий актларида, ҳамда ўрта умумий таълим Низомида акс эттирилган.

Мактаб ишини бошқаришда этика (ахлоқ тўғрисидаги фан) мезонларига тўлиқ риоя қилиш катта аҳамият касб этади.

Бошқарув маданияти илмий асосда ишланган аниқ мақсадни кўзда тутган режа асосида бошқарув ишини ташкил қилишда намоён бўлади, бунда;

- сўз бирлиги билан иш бирлигини таъминлаш;
- мактаб жамоасининг, ўқувчилар ва ота-оналарнинг эҳтиёж ва талабларига дикқат эътибор ҳамда мафаатдорлик билан муносабатда бўлиши;
- уларнинг бирортасини иззат-нафсониятига тегмаслик;
- кўзбўямачилик билан шуғулланмаслик;
- ишга нисбатан юқори даражадаги интизом жорий этиш;
- бошқариш жараёнида юқори даражадаги педагогик маданиятни сақлаш;
- раҳбарнинг шахсан ва қўл остидагиларга раҳбарлик қилиши;

- ўзининг шахсий манфаатини давлат ва умумжамоа манфаатидан устун қўймаслиги ва шу кабилардан иборатдир.

Мактаб раҳбарининг муҳим фазилатларидан бири унинг яхши ўқитувчи ва методист бўлишидадир.

Хозирги раҳбар дадил, ташаббускор, билимдон, юксак маданиятли, халол ва вадасига вафодор бўлиши керак. Шу билан бирга:

1. Хозирги кундаги мактаб раҳбарлари юксак ишонч ва кенг сиёсий билим эгаси.
2. Педагоглар жамоасига раҳбарлик қила оладиган, унинг ишини ташкил эта биладиган, кишилар меҳнатини тўғри ва одил баҳолай оладиган ва талабчан.
3. Сезиг кишиларга эътибор билан яхши муомала ва муносабатда бўладиган.
4. Мактаб жамоаси, ота-оналар ва жамоатчилк ўртасида катта обрўга эга.
5. Дунёқаралининг яхши биладиганва аъло даражада дарс бериш жихатидан ўқитувчиларга намуна.
6. Ўз фанини яхши биладиганва аъло даражада дарс бериш жихатидан ўқитувчиларга намуна.
7. Изланувчан, омилкор, янгиликка интилевчи, илфор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганувчи, умумлаштирувчи ва оммалаштирувчи.
8. Мактабнинг ҳамма соҳасидаги ишларни ўрганувчи, таҳлили қила оловчи, ишни яхшилашга қаратилган аниқ тадбирлар белгиловчи,
9. Ишга вижданан муносабатда бўлиши, ўз ишларини сидқи дилдан бажаришва ўз меҳнатини тўғри ташкил қила билиш.
10. Хўжалик масалаларини тўғри ҳал қила оладиган, тежамкорлик санъатига эга бўлиш.
11. Мактаб ишини бошқариш принциплари асосидаташкил қилиш.
12. Ўкув режадаги барча фанларни дастур доирасида билиш ва раҳбар бўлиш учун етарли педагогик иш тажрибасига ва маъмурий қобилиятга эга бўлмоғи керак.

Мактабнинг ички бошқарув тизимида раҳбарнинг обрў эътиори ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган омилдир.

Мактаб жамоасидаги соф «психологик иқлим» педагогик меҳнатнинг унумдорлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир.

Ҳар бир раҳбар мактаб жамоасидаги «психологик иқлим»ни ҳар доим бир маромда ушлаб туришга алоҳида эътибор бериши керак.

Мактаб раҳбарининг ўқитувчилар билан муомала одоби

Мактабда таълим-тарбия ишларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан мактаб раҳбарларининг ўқитувчи ва ўқувчилар билан муомала одобига, раҳбарлик қилиш услубига боғлиқ.

Педагогик жараённи бошқариш энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. У энг аввало педагоглар жамоаси учун раҳбар кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишга боғлиқ.

Мактаб раҳбари педагоглар жамоаси билан муомаласида педагогик одобнинг қўйидаги талабларига амал қилиши лозим:

- муаллимга бўлган талабчанликни унга бўлган ҳурмат билан бирга олиб бориш.
- ўқитувчига ёрдам бериш, лекин унинг учун ишни бажариб қўймаслик.
- жамоадаги ҳамма муаллимларнинг фаолиятига диққат эътибор билан қараш, айрмачилик қилмаслик.
- ўқитувчининг меҳнатини қадрлаш ва одилона баҳолаш.
- ўз билимларини ошириш ва ўз-ўзини тарбиялашда ўқитувчига кўмаклашиш.
- ишдаги ютуқларни маъқуллаш, яхши тажрибаларни оммалаштириб бориш.
- муаллимнинг обрўсини сақлаш ва мустахкамлаш.
- ўқитувчига нисбатан мурувватли, химматли бўлиш.
- муаллим билан муомалада насиҳаттўйликка берилмаслик.
- педагогнинг иш усулини ўрганиш, яхши ишларни рағбатлантириш.
- муаллимнинг айрим ҳатоларини бўртириб бетига солавермаслик.
- киши дарҳол тузата олмайдиган камчилигини айтавериб, унинг дилига озор бермаслик.

- ўқитувчининг ўзи яхши биладиган масалаларда унга насиҳатгўйлик қилмаслик.
- Муаллим билан сұхбатлашгандың руҳини кўтара билиш.

Мактаб раҳбари ўқитувчига нисбатан эътиборсизлик, ишончсизлик, бепарволик, назоратсизликка йўл кўйса, у ишни бўшаштириб юборади.

Мактаб директорининг расмиятчилик, қўрқитиш, жазолашга асосланган иш услуби зиён келтиради, ўзаро муомала одобини бузади.

Аҳил, ҳамжиҳат, хушмуомала педагоглар жамоасида энг мураккаб педагогик масалалар ҳам осойишталик билан ҳал этилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида Қонунлари. 1997 йил. 29 август.
2. Р.Ахлиддинов ва бошқалар. «Ўзбекитонда таълимни бошқариш: муаммолар, изланишлар, ечимлар». «Таълим тараққиёти» 2000 йил 3-сон.
3. М.Мирқосимов. «Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари». Т. «Ўқитувчи». 1995 йил.
4. М. Очилов. «Мактаб раҳбарининг ўқитувчилар билан муомала одоби». «Таълим тараққиёти». 1999 йил. 1-сон.

Тест саволлари.

1. Раҳбарлик услуби дегандагимани тушунасиз?
 - а) Педагогик маданиятлилик.
 - б) Этика мезонларига амал қилиш.
 - с) Кенг сиёсий билим эгаси бўлиш.
 - д) Юқоридагиларни ҳаммаси.
2. Бошқариш маданиятининг элементлари қандай мезонлар билан белгиланади?
 - а) Мактаб низоми.
 - б) Хуқуқ ва этика.
 - с) Буйруқлар.
 - д) Қарорлар.
3. Мактаб раҳбарининг муҳим фазилатларидан бири?
 - а) Хушмуомалалик.
 - б) Талабчанлик.
 - с) Яхши ўқитувчи ва методист бўлиш.
 - д) Яхши раҳбар бўлиш.
4. Мактаб раҳбарининг педагогик одоби қачон намоён бўлади?
 - а) Мактабни ички бошқарув тизимида.
 - б) Хужалик ишларини олиб боришда.
 - с) Малакасини мунтазам ошириб боришда.
 - д) Педагогик жамоа билан муомаласида.

Жавоблар: 1-а, 2-б, 3-с, 4-д.

Мағзу: *Мактаб ишини илмий асосда режалаштириши – тұғри бошқаришининг негзи* (2 соатлық маъзура).

Мақсад: Курс тингловчиларига мактаб ишини режалаштиришнинг аҳамияти, мактаб иш режасининг турлари ва унинг ақидалари ҳақида билим бериш.

Режа:

1. Мактаб ишини илмий асосда режалаштиришнинг аҳамияти.
2. Мактаб ишини режалаштириш тамойиллари.
3. Мактаб иш режасини турлари.
4. Мактабнинг бир ўқув йилига мүлжалланган иш режасининг тузилиши.

Мактабдаги таълим тарбия ишларини ягона режа асосида олиб бориш бошқариш самарали услубнинг ажралмас қисмидир.

Буюк ўзбек мутафаккири Абдулла Авлоний режалаштириш масаласига тұхталиб, «Хўжалик маорифи ишининг алифбоси режалаштиришдан бошланади. Режа – маёқдир, ўлчовдир ва йўл кўрсатувчиидир» деган эди.

Режа билан ишлаш олдиндан кўра билиш билан чамбар-час боғлиқдир. Тўғри раҳбарлик қилиш учун олдиндан кўра билиш, рўй бериши мумкин бўлган ўзгариш ва қийинчиликларни олдиндан пайқай билиш ва назарга олиш зарур. Бизнингча мактабда тузилган иш режаси мазкур мактаб педагоглар жамоаси хар бир аъзосининг фаолиятини тартиба солувчи қонун, кўрсаткичлар тизимида ифодаланган давлат топшириғидир.

Тўғри тузилган иш режаси ҳатога йўл қўйишдан асраш билан бирга, илгари йўл қўйилган ҳато ва камчиликларни тугатишни ҳам таъминлайди. Тўғри тузилган режа раҳбарлар учунгина эмас, айни вақтда мактаб муаллимлар жамоасининг ҳар бир аъзоси учун ҳам йўл кўрсатувчиидир. Шунинг учун ҳам мактаб ишини режалаштириш мактаб ички бошқарув тизимида муҳим ўринни эгаллади.

Мактаб раҳбарлари мактаб ишини илмий асосда режалаштирганларида қўйидаги тамойилларга амал қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Мактаб ишини режалаштиришнинг илмийлик тамойили.
2. Режалаштиришнинг демократик тамойили.
3. Режалаштиришнинг инсонпарварлик тамойили.
4. Режалаштиришнинг педагогик изчиллик ва системалик тамойили.
5. Режалаштиришнинг мактаб истиқболини ҳисобга олиш тамойили
6. Режалаштиришда педагогик ходимларнинг илмий, методик, дидактик, умумий педагогик ва психологик савияларини ошириш тамойили:

Умумий таълим мактаблари учун мактабшуносликда шартли равища қабул килинган иш режалари мавжуд. Улар қўйидаги режалардир:

- Мактабнинг маълум даврга мўлжаллаб (бир, икки, беш йиллик учун) тузиладиган иш режаси. Буни мактабнинг истиқбол режаси ҳам дейилади.

Бу иш режаси умуммактаб халқ хўжалик режа-кўрсаткичлари асосида тузилади. Бунда мактабнинг маълум даврга ривожи (ўқув, моддий ва техника базаси, мактаб қурилиши, синфлар сони, ўқувчилар ва ўқитувчилар сони, мактабни битирувчилар сони, ўқув ҳоналари сони кабилар) турли рақамлар асосида кўрсатилади.

- Мактабнинг бир ўқув йилига мўлжалланган иш режаси мактаб иш режаси турлари асосида тузилади. (Мазкур иш режа ҳақида кейинроқ тўхталамиз).
- Мактабнинг жорий иш режаси. Мазкур режа мактабнинг бир ўқув йилига мўлжаллаб тузилан иш режаси асосида ишланади.

Бу режа туркумiga:

- мактаб директори ва унинг ўринбосарларининг бир ўқув йилига мўлжаллаб тузадиган иш режалари;
- мактабда фанлар бўйича ташкил этилган методик бирлашма-ларнинг иш режалари;
- синф раҳбарининг иш режалари;

- фан тўгараклари ва куни узайтирилган гурух раҳбарларининг иш режалари:
- мактаб кутубхонасининг иш режаси:
- мактаб устахонасининг иш режаси:
- мактаб ота-оналар қўмитасининг иш режаси:
- мактаб врачи ва ҳамширасининг иш режаси:
- ҳар бир бошланғич ва фан ўқитувчисининг календарь ва кундалик дарсни ўтказиш режаси каби режалар киради.

Мактаб режасини амалга оширишда қўйидагилар муҳим педагогик аҳамият касб этади:

- а) Маорифнинг юқори ташкилотлари, халқ таълими бўлимлари ва мактабга яқин бўлган турли муассасалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлиги.
- б) Бошқариш ва раҳбарлик ишига билимдон, ўта ҳалол, ишбилармон ва яхши маъмурий қобилиятга эга бўлган педагог ҳодимлар жалб этилганлиги.
- с) Ҳодимлар ўртасида иш тақсимотининг тўғри ташкил этилганлиги.
- д) Раҳбар ҳодимлардан тортиб энг қўйи ижрочига умумий режадан келиб чиқадиган шахсий (жорий) иш режасини тузиб, шу асосда иш юритиши.
- е) Раҳбарнинг мактаб иш режаларининг бажарилиши юзасидан самарали ҳамда узлуксиз назоратни ўрнатганлиги.

Одатда мактаб бир ўқув йилига мўлжалланган ишини режалаштираётганда унинг тузилишини икки қисмдан иборат деб тузиш тавсия этилади: 1-қисм – аналитик бўлиб, унда мактаб ишининг ўтган ўқув йилидаги вазифалари ўз аксини топади: 2-қисм эса амалий ҳусусият касб этиб, унда бу вазифаларни бажариш тадбирлари режалаштирилади. Куйида мактабнинг бир ўқув йили учун иш режасининг намунасини келтирамиз.

1. Мактаб ишини якуни ва уни янги ўқув йилидаги вазифалари: 1) Микрорайоннинг ўзига ҳос ҳусусиятлари ва мактаб иш ҳусусиятлари. Бу ерда микро район унинг, аҳолси, мавжуд маданият муассасалари, мактаб ишини қийинлаштирувчи ноқулай шароитлар ҳақида қисқача таъриф беради.

2. Ўқув йили якунлари ҳақида қисқача таҳлил. Бу бўлимда режанинг барча бўлимлари доирасидаги иш якунлари берилади ҳамда таҳлил қилинади. Бундан ўтган ўқув йили режаси қандай бажарилгани вазифалар қанчалик амалга оширилгани, қандай бажарилгани, жамоа, педагоглар, синфлар ва бошқаларнинг рақам кўрсаткичлари келтирилади, ўқувчиларнинг билим ва тарбияланганлик даражаси баҳоланади, мактаб жамоаси иш усуслари таҳлили қилинади. Камчиликлар кўрсатилади.

3. Янги ўқув йили вазифалари ҳукуматимизнинг мактаб ислоҳоти қарорларидан келиб чиқади. Бу ўринда ҳукуматимизнинг таълим-тарбия соҳасида мактаб олдига қўйилган вазиалардан келиб чиқкан ҳолда, мактабнинг асосий вазифалари шакллантириб борилади.

Аниқланган вазифалар орасида аниқ тадбирларни белгилаш режанинг иккинчи қисми бўлиб ҳисобланади. Унинг мундарижаси (намунавий тузилиши) қўйидагича бўлиши мумкин.

1. Ташкилий – педагогик ишлар.
2. Мактабнинг ўқув-моддий ва техникавий базасини мустаҳкамлаш.
3. Мактаб фаолиятида таянч ва умумий ўрта таълимни амалга ошириш.
4. Мактабни педагогик ҳодимлар билан таъминлаш ва улар билан ишлаш.
5. Мактабнинг ўқув тарбия ишларини йўлга қўйиш.
6. Мактабнинг синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларини ташкил этиш.
7. Ота-оналар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар.
8. Мактабнинг оталиқ, соғлиқни сақлаш ва савдо ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар.
9. Мактаб кенгаши ва мактаб директори олиб борадиган ишлар.
10. Мактаб ички назорати ва уни амалга ошириш.
11. Мактабнинг молия-хўжалик ишлари.

12. Мактабнинг методик ишлари.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, мактабларнинг иш режаларида ўқувчилик билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишини такомиллаштириш, ҳодимлар малакасини ошириш, мактабнинг ўқув моддий баъзасини мустахкамлаш, таълим тарбия ишларини долзарб масалаларига қаратилган турли мавзуларда семинарлар, конференциялар ўтказиш, мактаб ўқитувчиларининг педагогик ўқишлигини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. М.Мирқосимов. «Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари». «Ўқитувчи». Тошкент 1995 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг умумий таълим мактаби тўғрисида низом. «Халқ таълими». Тошкент. 1995 йил 2-сони.

Тест саволлари.

1. Умумий таъим мактаблари учун шартли равишда қабул қилинган иш режалар нечта турга бўлинади?
 1. 2 турга.
 2. 3 турга.
 3. 4 турга.
 4. 5 турга.
2. Мактабнинг номаълум даврга (бир, икки ёки беш йиллар учун) мўлжаллаб тузилган иш режаси қандай иш режа деб аталади?
 1. Жорий иш режаси.
 2. Истиқбол иш режаси.
 3. Муваққат иш режаси.
 4. 1 ва 3 жаволар тўғри.
3. Мактабнинг бир ўқув йили учун тузилган иш режаси асосан неча қисмдан иборат бўлади?
 1. 2 қисмдан.
 2. 3 қисмдан.
 3. 4 қисмдан.
 4. 6 қисмдан.
4. Мактаб йиллик режасини тузиш ўқув йилини қайси ойидан бошланади?
 1. январь.
 2. март.
 3. апрель.
 4. август.
5. Кайси бир хужжатлар руйхати бошқарув хужжатларига киради?
 1. Режа, хисобот, кулланма, буйруқ, карор, фармон.
 2. Акт, хисобот, кулланма, буйруқ, карор, фармон.
 3. Режа, конун, буйруқ, карор, фармоишлар.
 4. Режа, акт, кулланма, буйруқ, карор, фармон.

1 – 2. 2 – 2. 3 – 1. 4 – 4. 5 – 3.

Мавзу: *Мактабнинг ички назорати, бошқарув тизимида ички назоратнинг тутган ўрни ва педагогик аҳамияти.* (2 соатлик маруза).

Мақсад: Тингловчиларга мактаб ички бошқарув тизимида назорат ва уни амалга оширишнинг педагогик йўналишлари ҳақида билим бериш.

Режа:

1. Мактаб ички назоратини ташкил этиш.
2. Мактаб ички назоратини режалаштириш.
3. Мактаб ички назоратини амалга ошириш йўллари.
4. Статистик тахлил - тўғри маълумот олиш воситаларидан бири сиватида.

Умумтаълим мактабини ривожлантиришнинг хозирги босқи-чида унга раҳбарлик қилиш савияси ва сифати кўпгина ҳолларда ҳар бир мактаб раҳбарининг иши ҳар бир ўқитувчи, синф раҳбари фаолияти, ўқитувчилар билимининг сифати ва тарбияси даражаси тўғрисида қанчалик объектив, ҳар томонлама ва ўз вақтида ахборот олишга боғлиқдир.

Мактаб ички назорати – бу жамоанинг ўз олдига қўйган вазифаларига мувофиқ равишда мактабда ўқув-тарбия жараёнини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилишдир.

Доимий, пухта ўйланган назорат муваффақиятларни аниқлаш ва мустахкамлаш, педагогик жамоа фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларнинг олдини ўз вақтида олиш имконини беради. Нихоят, мактаб ички назорати ўқитувчилар билан бир қаторда мактаб раҳбарларини ҳам интизомга солади.

Бу иш режали, мунтазам, аниқ бир мақсадга қаратилган, комплекс бўлиши, ўқув-тарбия жараёнининг ҳамма томонларини қамраб олиши зарур.

Мактаб ички назоратини режалаштириб ва ташкил қила туриб, мактаб раҳбарлари назоратининг барча обьектлари ва йўналишлари тўғрисида аниқ ва пухта тасаввур ҳосил қилишлари лозим. Мактаб ичидаги назорат обьектларига тахминан қуидагиларни киритиш мумкин.

- ўқув режасидаги айрим фанларнинг ўқитиш ахволи. Дастур материалларини ўзлаштириш даражасининг давлат таълим стандартлари талабларига мослиги.
- педагогик жамоанинг иқтидорли ва қобилиятли ўқувчилар билан ишлаш тизими. Мактабда юзага келган, асосий даражадан юқори маълумот олишни таъминлайдиган тизимнинг самарадорлиги ва рационаллиги.
- суст ўзлаштирадиган ўқувчилар билан ишлаш тизими ва самарадорлиги.
- педагогик жамоанинг мажбурий ўрта умумий таълимни таъминлаш бўйича ишлари (мактабни педагогик кадрлар билан таъминлаш ва малака ошириш, қайта тайёрлаш ишлари).
- ўқув-тарбия ва методик ишлар.
- синфдан ва мактабдан ташқари ишлар.
- мактабнинг ҳамкорликдаги ишлари.
- мактаб хужжатларини юритиш.
- ота-оналар қўмитаси ишлари.
- синф раҳбарлари ишлари.
- ўқув-моддий базадан фойдаланиш самарадорлиги.
- молия-хўжалик ишлари.
- куни узайтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва бошқалар.

Бу бўлимларни ҳар бири ишни ташкил қилиш ва мазмуни нуқтаи назаридан ўз хусусиятларига эга, бироқ шу билан бирга бир-бирига ўзаро мустахкам боғлиқдир ва йўналишларининг биттасини текшира туриб, биз бошқаларини четлаб ўта олмаймиз.

Масалан: айрим фанларни ўқитиш ахволини ўргана туриб, биз таҳлил қилинаётган масала бўйича методик ишни, моддий базадан фойдаланиш самарадорлигини, иқтидорли ва суст ўзлаштирадиган ўқувчилар билан ишлашни ҳам ўрганамиз.

Ўқув-моддий база аҳволини таҳлил қила туриб, биз ўқув жараёнида ундан фойдаланиш самарадорлигини, дастурларнинг амалий қисмини бажаришни, лаборатория ишларини, практикумларни, ўқув кабинетларини такомиллаштириш борасида ўқувчилар фаолиятини, мактаб кутубхонаси фаолиятини ўрганамиз.

Мактаб ички назоратини тўғри амалга ошириш, ўқувчиларни билим, маҳорат ва қўйикма даражасини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларнинг мазмуни ва ташкил қилинишини текширилади.

Мактаб ички назоратини тўғри амалга ошириш учун маъмурият аъзолари ўртасида мажбуриятларни аниқ, пухта, ўйлаб тақсимлаш талаб қилинади. Ким нима учун жавоб беришини аниқ белгилаш зарур. Бундай холларда бир-бирини тақрорлаш истесно қилинади, шахсизликни олдини олинади. Чунки муайян иш участкаси учун ҳеч ким аниқ жавоб бермаса, у назорат доирасидан тушиб қолиши мумкин. Функционал вазифаларни тақсимлай туриб, фақат мактаб фаолиятининг айрим йўналишларини, балки ўқув режасининг барча фанларни ҳам қамраб олиш зарур. Бу тақсимот мактаб йиллик режасида акс этилган бўлиши шарт.

Мактаб режасида "Мактаб ички назорати" алоҳида бўлим ҳисобланади. Чораклар ва ўқув йили охирида мактаб директори ўз ўринбосарлари, жамоат ва ўқувчи ташкилотлари раислари, методик бирлашмалар раислари билан чораклар ва ўтган ўқув йилида мактаб иши якунларини чиқаради, ўқув-тарбия жараёни натижаларини, ўқувчилар томонидан ўқув режасига кирган фанлар бўйича дастур материалларини ўзлаштириш даражасини тахлил қиласди, уларни ДТС га мувофиқлигини аниқлади ва олинган хуносаларга асосан янги ўқув йилида назорат қилинадиган обьектларни белгиланади. Назорат тадбирларининг даврийлигига эътибор бериш лозим. назорат тадбирлари режа жадвали тузилади ва унда йиллар бўйича текшириш мавзулари белгиланади.

№	Текшириш мавзулари	2001	2002	2003	ва ҳоказо
1.	Фанларни ўқитиш ахволи ва самарадорлиги;				
2.	Ўқувчиларнинг билим орт-тиришга қизиқишиларини ривожлантириш борасида педагогик жамоа фаолияти;				
3.	Ўқувчиларнинг таянч маълумотини амалга ошириш иши;				
4.	Ўқув кабинетларидан фой-даланиш самарадорлиги ва бошқа масалалар.				

Режа-жадвалда ўтказилиши мумкин бўлган барча мавзули текширишларни санаб ўтиш керак, янги масалалар юзага келишига қараб, уларни қўшимча қилиш мумкин. Масала бўйича ўтказилган текширишлар + ёки бошқа белгилар билан белгиланади. Текшириш натижаларига қараб турли рангдаги белгилар қўйиш мумкин: қизил рангдаги + белгиси текшириш натижалари яхшилигини, қўқ рангдагиси қониқарлилигини билдиради.

Йиллик, ярим йиллик ёки чораклар бўйича мактаб ички назоратини режалаштириш, қатор мактаблар тажрибаси кўрсатишича, ҳар қандай шаклда: матн, жадвал, графика шаклда амалга ошириш мумкин. Энг асосийси, режада нима ва қандай мақсадда, қачон текширилишини, текширув учун ким жавоб беришини, текшириш натижалари қаерда тингланишини акс эттиришдир. Агар буларнинг ҳаммаси режада белгиланса, текширув жорий ишлар ичida йўқолиб кетмаслигига кафолат бор. Жорий режалаштиришнинг шаклларидан намуна келтирамиз (жадвал).

№	Назорат мақсади	Назорат обьекти	Муддат-лар	Текшириш учун жавоблар	Натижалар эшитилади-ган жой ва муддати
1.	Ўқувчиларга қўйилган ягона талабларга амал қилиш.	5-синф-лар	Октябрь	Илмий мудир Курбонов	Директор хузуридаги мажлис (ноябрь)
2.	Адабиёт, тарих ва бошқа дарсларда ўқув ишларини маънавий жихатдан тарбиялаш.	8-9 синфлар	Январь	Директор ўринбосари Пўлатов	Методик кенгаш мажлиси (февраль)
3.	Чет тиллар цикли фанлари дастурини бажариш сифати ва ҳоказо	5-9 синфлар	Март	Илмий мудир Курбонов	Методик бирлашма мажлиси (апрель)

Кўпгина ҳолларда мактаб илмий мудири ўқувчининг аниқ бир мавзу ёки дастур бўлими устида ишлаш методикасини текшириш зарур бўлади. Одатда бу энг асосий мавзулардан бўлиб, уларни билиш бутун курсни оддий ўзлаштириш учун зарурдир. Шу

билин бирга, текшириш учун мавзу танлаш ўтган ўқув йилидаги мактаб ички назорати натижалари билан асослаш мумкин.

Муддатлар	Синф, фан	Дастур мавзуси	Текшириш учун жавоблар	Натижалар қаерда, қачон тингланды
Сентябрь	9-а,б синлар физика	Электр майдони	Илмий мудир Курбонов	Методик бир-лашма мажлиси (октябрь)

Дастурнинг айрим мавзулари бўйича бундай текширишларни бир йилда 3 – 5 фан бўйича ўtkазиш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай назорат шаклида илмий мудирлар ушбу мавзуга ажратилган барча дарсларни таҳлили қилишлари, яъни мавзуни бошидан охиригача ўқитувчи иши системасини кузатишлари, шундан сўнг эса материални ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун текшириш ишларини ўтказишлари лозим. Бундай текширишда ўқитувчи методикасидаги камчиликлар яққол намоён бўлади.

Бир ўқув йилига мўлжаллаб тузилган мактаб ички назоратининг мавзу режасини ўқув йили бошидаги педагогларнинг биринчи йиғилишида тасдиқлаш ва уни жамоага маълум қилиш керак. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мактаб ички назоратининг шакл ва усуллари турличадир. Буни қай даражада ва қандай қилиб амалга ошириш мактаб раҳбарларининг илмий методик савияларига боғлиқ.

Мактаб ички назоратини ўрганиладиган масалага қараб асосан 3 йўналишга бўлиш мумкин.

- a) Мактаб ишларини мавзуй (тематик) назорат қилиш.
- b) Мактаб ишларини кенг қамровли (фронтал) назорат қилиш.
- c) Ижрони текшириш.

Мавзуни назорат қилиш қўйидаги масалаларни ўз ичига олиши мумкин;

1. Мактабда ижтимоий фанлар бўйича давлат ўқув дастурининг бажарилиш аҳволи.
2. Фан асосларини ўқитиши жараёнида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини.
3. Мактабда физика-математика фанларини ўқитилиши ва ўқувчиларнинг шу фанлардан билим даражаларининг аҳволи кабилар.

Бундан ташқари ҳар хил мутахассисликдан 2-3 ўқитувчининг ишини ўрганиш, синф раҳбари, метод бирлашма ишларини ўрганиш ҳам мавзуй назоратга киради.

Мактаб ишларини кенг қамровли (фронтал) назорат қилиш – таълим-тарбия ва хўжалик ишларини кенг қамраб олган, тўлиқ педагогик маънодаги масалаларни ўрганишни мақсад қилиб қўйган назоратдир.

Масалан: 1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни асосида тузилган мактаб тадбирлари бажарилишининг ҳолати.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишининг аҳволи ва уни янада яхшилаш чоралари.

3. Мактабда синфдан мактабдан ташқари ишларнинг қўйилиш ҳолати ва уни янада яхшилаш йўллари каби масалалар кенг қамровли назоратни амалга ошириш орқали ўрганилади. Бундай масалаларни текшириш якунини мактаб педагоглар кенгашида ёки касаба уюшмасининг мажлисида (очиқ мажлисда) муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мактаб ички назорат тизимида ижрони текширишда қукуматимизнинг халқ таълими тўғрисидаги қонун ва қарорлари Ўзбекистон Республикаси XTB ва унинг жойлардаги органларининг, хокимликларни қабул қилган фармонлари, қарор ва буйрукларини мактабнинг ўз қарорларининг ижросини текшириш киради.

Ҳар бир мактаб раҳбари ижрони текшириш йўли билан ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи ва иехник ҳодимда ўз вазифаига нисбатан шахсий жавобгарликни ўрнатилиши лозим. Қабул қилинган қарор билан ижронинг бирлиги, сўз билн иш бирлиги илмий асосдаги раҳбарлик услугининг негизини ташкил қиласди.

Мактаб ички назорати ҳилма-ҳил шакл ва усулларда олиб борилсада, унинг асосий вазифаси ўқув режа ва дастурларининг ДТС асосида бажарилиши, таълим жараёни сифати, ўқитишининг илмий, методик ва умумпедагогик дарражаси ўқитувчиларнинг дарс беришда янги педагогик технологиялардан самарали фойдалана-ётганлиги, ўкувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини қанчалик мустаҳкам, чукур ва онгли суратда эгаллаганигини аниқлашдир. Ички назорат тизимида имтихонлар (тест синовлар) даври мактаб ҳаётида маъсулиятли даврлардан биридир. Имтихонларни ўтказиш натижасида ўқучиларнинг билим, кўникма ва малакалари сифатига умумий баҳо бериш мумкин.

Ўкувчиларнинг имтиҳон пайтидаги жавобларини таҳлил қилиш орқали ўқув фанини қандай ўзлаштирганига эътибор берилади. Мактаб ичидаги назоратнинг энг яхши усулларидан ва тўғри маълумот олишнинг мазкур воситаларидан бири статистик таҳлил усулидир. Мактаб раҳбарлари бу усулни яхш билиши, мактаб ҳаётидаги ҳодисаларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришда ундан усталик билан фойдаланишлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва Кадрлар тайёрлаш миллый дастури тўғрисида Қонунлари. 1997 йил. 29 август.
2. Р.Ахлиддинов ва бошқалар. «Ўзбекитонда таълимни бошқариш: муаммолар, изланишлар, ечимлар». «Таълим тараққиёти» 2000 йил 3-сон.
3. М.Мирқосимов. «Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари». Т. «Ўқитувчи». 1995 йил.
4. Р.Ахлиддинов, Ф.Носирова, М.Ражабова «Мактаб бошқаруви-да ички назорат». Тошкент «Шарқ». 1996 йил.
5. «Таълим тараққиёти». Тошкент «Шарқ». 1999 йил. 1-сон.
6. М.Мирқосимов «Мактаб ички бошқарув тизимида назорат ва уни амалга оширишнинг педагогик йўналишлари». Тошкент 1998 йил.

Тест саволлари.

1. Мактаб ички назоратини қандай йўналишларда амалга оширилади.
 - a) Мактаб ишларини кенг қамровли назорат қилиш.
 - b) Мактаб ишларини мавзуй назорат қилиш.
 - c) Ижрони текшириш. d) a, b, c жавоблар тўғри.
2. Кенг қамровли назоратда
 - a) Таълим тарбия, хўжалик ишларига оид вазифалар қамраб олинади.
 - b) Айрим фанларни ўқитилиши, методик кенгаш ишларининг аҳволи қамраб олинади.
 - c) Ҳукуматимизнинг қонунлари, вазирликнинг қарор ва буйруқларини ижроси ўрганилади.
 - d) Ҳамма жавоблар тўғри.
3. Мактаб ишларини мавзуй назорат қилишда
 - a) Таълим тарбия, хўжалик ишларига оид вазифалар қамраб олинади.
 - b) Айрим фанларни ўқитилиши, методик кенгаш ишларининг аҳволи қамраб олинади.
 - c) Ҳукуматимизнинг қонунлари, вазирликнинг қарор ва буйруқларини ижроси ўрганилади.
 - d) Ҳамма жавоблар тўғри.
4. Мактаб ичидаги назоратнинг энг яхши ва тўғри маълумот олиш усулларидан бири
 - a) Юзма-юз сұхбатлашиш.
 - b) Ҳодимлар ишини кузатиш.
 - c) Статистик таҳлил.
 - d) Ёзма ахборот олиш.

1- d 2- a 3-b 4-c

Мавзу: Ички назорат тизимида дарс кузатиш ва уни таҳлил қилиши. (2 соатлик маъруза).

Мақсад: Тингловчиларга дарс кузатиш ва таҳлил қилиш ички назоратнинг асосий бўғини эканлиги, дарс кузатишга қўйиладиган талаблар ва уни режалаштириш, дарс таҳлилиниң турлари ва кузатилган дарсларни хужжатлаштириш ҳақида билим бериш.

Режа:

1. Дарс таълим-тарбия ишини ташкил қилишнинг асосий шакли.
2. Дарсга булган дидактик талаблар
3. Дарсни кузатиш ва таҳлил қилиш-ички назоратнинг мухим шакли эканлиги
4. Дарс кузатишда максадни белгилаш ва таҳлил қилишни режалаштириш
5. Кузатилган дарсни хужжатлаштириш
6. Дарс таҳлилиниң турлари

Мактабда ўқув ишини ташкил этишнинг асосий шакли дарс хисобланади. Дарс деб, бир ҳил ёшдаги ўқувчиларнинг битта гурухга ўқитувчи раҳбарлигига аниқ мавзу, аниқ мақсад, аниқ режа, аниқ режим ва ўқув воситалари асосида ташкил этилган машғулотга айтилади. Демак, дарс мактабдаги таълимнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Чунки дарсда асосий таълим-тарбиявий вазифалар ҳал этилади, изчил билим бериш юзасидан турли ишлар олиб борилади. Дарс ўқувчиларни ижодий фикрлашга ўргатиши, далилларни изохлаш, талқин орқали янгича тафаккур ўйфотиши лозим. Ўқитувчининг серзахмат иши синфда дарсдан бошланади. Ҳар бир дар педагогик маҳорат кўриги бўлиши, муайян мақсадга эришилиши, ҳар бир дарсдан қоникиш ва ифтиҳор билан чиқиши лозим. Демак, ҳар бир мактаб педагоглар жамоаси таълимнинг асоси – дарсда самарадорликка эришайлик, деган шиор билан ишлаши ҳозирги куннинг мухим талабидир.

Ҳозир мактабларимизда қўлланилаётган синф-дарс тизими қуйидаги ташкилий шаклда олиб борилади.

1. Ҳар қайси синф ёши ва билимiga кўра бир ҳил даражадаги болаларнинг доимий гурухига эга бўлади. Дарс машғулоти асосан бошланғич синфларда 40 минут, қолган синфларда эса 45 минутга мўлжалланган бўлиб, қатъий ўқув жадвали орқали олиб борилади.
2. Дарс бевосита ўқитувчининг раҳбарлигига жамоа ва якка шаклда олиб борилади.
3. Дарс ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб ҳилма-ҳил усул билан олиб борилади, таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта, тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратадиган қилиб уюштирилади.

Дарсга бўлган талаблар

Дарс, юқорида айтиб ўтилганидек, ўқитиши ташкил этишнинг ўзгармас шакли эмас, ўқув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йўлларини излайди. Бу соҳада турли ҳил кўрик танловлар, республика миқёсида ўтказилаётган педагогик ўқишлоар ҳамда турли илмий методик, амалий семинар ва анжуманларда ўртага қўйилаётган илгор ўқмтувчиларнинг фикр ва мулоҳазалари дикқатга сазовордир.

Дарс қуйидаги дидактик талабларга жавоб бериши керак:

1. Ҳар бир дарс маълум мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.
2. Ҳар бир дарс мустаҳкам ғоявий-сиёсий ва миллий қадрятлар йўналишига эга бўлмоғи лозим.
3. Ҳар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи лозим.
4. Ҳар бир дарс ҳилма-ҳил усул, метод ва воситаларда унумли фойдаланилган ҳолда олиб борилмоғи лозим.
5. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ даркор.
6. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчининг фаоллиги билан белгиланмоғи лозим.

7. Дарс ўқув материаларининг мазмунига оид кўргазмали қуроллар, техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.
8. Дарс машғулотини бутун синф билан ёппасига олиб бориш билан бирга унда ҳар қайси ўқувчининг индивидуал психологик ҳусусиятлари, уларнинг мустақиллигини ошириш ҳисобига олиб борилади.
9. Ҳар бир дарсда мавзунинг ҳарактеридан келиб чиқиб халқимизнинг бой педагогик меросига мурожаат қилиш ва ундан фойдаланишимиз имкониятини яратмоқ лозим.

Дарсдан кузатиш орқали ҳар бир мактаб директори, унинг ўқув тарбия ишлари бўйича муовинлари таълим-тарбия ишлари ҳолатини яхши ўрганиш, мавжуд камчиликларни тезда бартараф қилиш ва ишни янада яхшилаш учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширади. Шунингдек дарс кузатиш орқали улар ҳар бир ўқитувчининг ғоявий, илмий-методик ва умумий педагогик савиёсини ва педагогик маданиятини аниқлайдилар. Ўқитувчини дарс жараёнида ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини қай даражада ташкил этаётганлигини аниқлайдилар. Фан асосларини қай даражада билим бераётганликларини, қандай методлар билан таълимни тарбияга боғлаш тамоилига амал қилаётганликларни билиб оладилар.

Бу масалалар муайян мақсадга қаратилган бўлиб, ягона умуммактаб режа-графики асосида ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Мактаб раҳбарлари ўқитувчининг ҳар бир дарсини ўз олдига мавзу ва мақсад кўйган ҳолда кузатса, илмий, методик, дидактик ва умумий педагогик таҳлил қилиб бора олсагина бу борада яхши натижага эришган бўлади. Унинг бу борадаги фикр ва маслаҳатлари ўқитувчи учун дастурил амал бўлади ва уни устозим деб билади, хурмат қиласи ва эъзозлайди.

Мактаб ички назоратини, дарс кузатиш ва уни таҳлил қилиш масаласини нотўғри ташкил қиласи, бу масалага панжа ортида қарашнинг оқибати эса мактабнинг таълим-тарбия ишларига салбий таъсир қиласи. Ана шунинг учун ҳам мактабда дарс кузатиш ва уни таҳлил қилиш масаласини тўғри ташкил қилиш ўқув тарбия ишларини янада такомиллаштиришда катта аҳамият касб этади.

Мактаб раҳбарлари дарсни кузатиш ва таҳлил қилишни режалаштирган вақтларида қўйидагиларни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишлари мумкин: масалан: география дарсларида ўқитувчининг ўқувчини фаоллаштириш ва уларни география атласи, контурли карта ёки дарслик билан мустақил ишлаш йўлларини ўрганиш, тарих дарсларида ўқувчиларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашни амалга оширишини ўрганиш, математика дарсларида ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини ўстириш борасида ўқитувчининг иш тажрибасини ўрганиш адабиёт дарсларида ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялаш масаласининг қўйилишини ўрганиш, физика дарсларида ўқитувчи ўқувчиларга янги мавзуни баён қилишда ўзбек мутафаккирларини таълим тарбия бобида ёзib қолдирган ўйтларидан фойдаланишни ўрганиш кабилар.

Бу борада шуни ҳам таъкидлаш керакки, мактаб директори ёки илмий бўлим мудири ўқитувчиларнинг дарсга кирган вақтида ўқувчиларнинг билимини аниқлаш мақсадида ўзи ёки ўқитувчи орқали ўқувчиларга саволлар ҳам бериши мумкин. Лекин бу иш узоқ вақт чўзилмаслиги керак. Бундан ташқари мактаб раҳбарлари фан ўқитувчисига бирон мавзу кўрсатиб, шу мавзу юзасидан ёзма ва контрол иш ўтказиш тақлиф қилиши мақсадга мувофик бўлади.

Дарс кузатишида мақсадни белгилаш ва таҳлил қилишни режалаштириш.

1. Дарсларга қатнашиш мақсадини белгилаш.

Ҳар бир дарсга қатнашишдан олдин мақсадини белгилаш зарурдир. Кўйилган мақсад дарсда қатнашиш ва уни таҳлил қилишини янада натижалироқ хulosаларни аниқроқ қиласи.

Директор (унинг ўринбосарлари) дарсни таҳлил қиласи, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини қўйилган мақсад нуқтаи назаридан кузатади.

Айтайлик, директорнинг маълум бир ўқитувчи дарсида қатнашишидан мақсади унинг ўқитишининг техник воситалари билан ишлаши методикасини ўрганиш бўлсин. Дарсни таҳлил қила туриб, директор дикқатини айнан шу муаммога қаратади. Бироқ, бу ҳол у

дарснинг бошқа жиҳатларига эътибор бермайди дегани эмас. Тажрибали директор ҳамма нарсани кўради, таҳлиллар дафтарида белгилайди ва ўқитувчига йўл-йуриқ кўрсатади, бироқ асосий эътибор мақсадли муаммога қаратилади ва асосий хуносалар у бўйича чиқарилади.

Дарсларга қатнашиш мақсадини белгилаш айrim мисолларини кўриб чиқамиз:

- ўқувчиларга қўйиладиган ягона талабларнинг бажарилишини таҳлил қилиш;
- ўқитишнинг техник воситалари, кўргазмали ва тарқатиладиган материалларидан фойдаланиш самарадорлиги;
- ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўнималарини ҳосил қилиш;
- дарсда ўқитувчива ўқувчи ҳамкорлиги;
- дарсни олиб бориш, уни ташкил қилишнинг умуммий услуби билан танишиш;
- ўқитувчининг дастур материалларини ўзлаштира олмаётган ўқувчилар билан ишлаш хусусиятлари;
- ўқитувчининг методик усуллари самарадорлигини ўрганиш;
- илғор иш тажрибасини ўрганиш ва бошқалар.

Дарсни кузатишга тайёргарлик кўриш

Дарсга қатнашиш мақсадини белгилаб, қўйидагиларни бажариш зарур:

- ўқитувчининг дастури, шарҳ мавзуси ва дарсни режалаштириши билан танишиш;
- ўзаро қатнашишлар жараёнида илмий мудир ва бошқа ўқитувчилар томонидан унинг аввалги дарсларида қатнашиш натижалари билан танишиш, ишда қанчалик ҳисобга олингандигини аниқлаш учун хуносаларга эътибор бериш;
- фан бўйича дарсликни, методик адабиётларни ўрганиш;
- дарс таҳлил қилинадиган синф таркибини таҳлил қилиш.

Олдиндан пухта тайёрланиш дарсни янада малакали таҳлил қилишни таъминлайди.

Дарсни таҳлил қилиш.

Дарс бир ҳилликни ва бир қолибга солишни ёқтирамайди. Шу сабабли таҳлил шаблон асосида, тайёр схема бўйича бўлмаслиги керак. Бироқ, шу билан бирга дарсни таҳлил қилиш мураккабдир, шунинг учун дарсни баҳолаш, унинг самарадорлигини аниқлаш учун мезон зарур.

Дарс сифатини, унинг натижалари бўйича, ўқувчилар янги билим ва кўнималарни қанчалик онгли равишда ва пухта эгаллашлари бўйича мантиқий баҳолаш лозим. Бироқ, бир машғулотда ҳар доим ҳам тўлиқ тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди.

Дарсни таҳлил қилиш учун мезон танлаш қийинчиликлари, ларс сифати омилларининг мураккаблигидан келиб чиқади.

Улардан асосийларини келтирамиз:

- бутун дарс давомида барча ўқувчиларнинг билим эгаллаш борасида фаол ижодий ишлаши, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг билим ортириш фаолиятини ривожлантириш;
- ўқитувчи ўқувчиларнинг ижодий, мустақил фикрлаш фаолиятини қай даражада ташкил этган.
- дарс жараёнида ўқувчилар томонидан қўшимча манбалардан фойдаланиш даражаси;
- бутун ўқув фаолиятининг мантиқийлиги ва изчиллиги, унинг дарснинг асосий дидактик мақсадига бўйсуниши. Такрорлашнинг мақсадга мувофиқлиги, ўрганилаётган материал билан бўлган муносабат;
- дарсда ўқитувчи иши мазмуни ва методларининг муваффақиятли ўқитишнинг асосий дидактик тамойили - қонунига бўй сундирилиши.

Дарсни таҳлил қилиш – бу ўқитувчи учун энг аввало педагогик маҳорат мактабидир. Илмий асосланган педагогик таҳлил ўқитувчига ўз камчиликларини кўриш, уларни ўз вақтида йўқотиши, мавжуд муваффақиятларни мустаҳкамлаш имконини беради.

Кузатилган дарсни хужжатлаштириш.

Ўқитувчилар дарсни кузатиш ва таҳлил қилишни маҳсус дафтарга ёзган холда хужжатлаштириш мақсадги мувофиқ бўлади. Мазкур дафтарга кузатилган дарсни қўйидаги педагогик талаблар асосида ёзиб бориш лозим:

1. Дарс берувчи уқитувчи ва синф ҳақида умумий маълумот:

- шу кунги сана ва йил,
- ўқитувчининг исми ва шарифи,
- охирги марта қачон ва қаерда, қандай муддатда малака оширишнинг туридан ўтган,
- унинг маълумоти, педагогик стажи ва унвони,
- дарс олиб борган синфлар (9-а ва 10-б)
- ўқитувчи дарс бераётган фан
- дарс мавзуси
- ўқитувчининг дарсдаги таълим-тарбиявий мақсади
- синф ёки ўқув хоналарининг мактаб гигиенаси талабларига тўлиқ жавоб бериш холати.

2. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлик ҳолати.

- ўқитувчининг кундалик дарс режаси ва баёни(унинг мақсадга мувофиқ ёки номувофиқ тузилгани)
- ўзи ишлаган ва дарсга олиб кириш учун танлаган кўргазмали қуроллари (диаграмма, таблица, расм, турли коллекция хамда гербарий кабилар)
- дарс давомида кузатиш учун танланган ўқув фильмлар ёки диафильмлар (уларнинг мақсадга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги)
- мазкур дарсга тайёргарлик даврида ўқитувчи томонидан фойдаланилган илмий-методик ва умумий педагогик адабиётлар руйхати.

3. Дарс кузатувчининг мақсади: Шу ўринда дарс кузатувчи ўз олдига қайси мақсадни қўйган бўлса, таҳлил дафтарининг шу қисмига ёзиб қўяди. Масалан, дарсда ўқитувчининг таълимни тарбия билан боғлаш йуллари ва бу борадаги методларни ўрганиш.

4. Дарснинг боришига илмий-методик, дидактик, умумий педагогик ва умумий психологияк тавсиф.

- дарснинг тузилиши, унинг қисмларини режалаштириш, вақтдан, синф доскасидан ва ўқув кўргазмали қуроллардан фойдаланиш (мазкур дарс машғулотининг кабинет тизимида олиб борилганлиги ёки олиб борилмаганлиги), ўқув ёки синф хонасининг санитар-гигиена ҳолати, синфдаги ўқувчиларни ўқув анжомлари билан қанчалик қуролланганлиги;
- дарснинг мазмуни-ўрганилаётган мавзунинг вақт ва мазмун жиҳатдан ўқув дастурига мослиги, ўқитувчи баён этаётган мавзунинг илмийлиги, тўлалиги, изчиллиги, унинг лаборатория ва амалий ишлар билан боғланиши, мавзунинг ўқувчилар ёшига мослиги, ғоявий қиммати, дарснинг тарбиявий аҳамияти, ўқитувчи баёнининг равонлиги;
- ўтган дарс мавзусининг сўралиши, ўқувчилар билимининг баҳоланиши, янги мавзунинг ўтилган мавзуга боғланиши;
- ўқитувчининг дарс ўтиш усул ва методлари: дарс давомида олдинги ёки ўтган дарсда ўтилган мавзуни сўоашда, янги мавзуни баён қилишда, мустаҳкамлаш ва якунлашда ўқитувчи қўллаган усулава методлар, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, дарс давомида фойдаланилган кўргазмали қуроллар, техник воситалар, дарсда ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари;
- ўқувчиларнинг дарсга муносабати-дарсга ўз вақтида етиб келиши, дикқат билан тинглаши, кузатиши, қизиқиши, фаоллиги, иштиёқи, интизоми, мазкур фан асосларини билиши, мустақил фикрлаш қобилияти, амалий ёки лаборатория ишларини мустақил бажара олиши;
- ўқитувчининг дарсга муносабати-ўз вақтида яхши тайёргарлик билан машғулотга етиб келиши, мазкур синф ўқувчиларининг психологиясини билиши, дарсда ўқувчиларга нисбатан муомаласи, синфи бошқара билиши, иш услуби, дарсда ўқитувчининг раҳбарлик роли, нутқ маданияти, ташқи қиёфаси, ўқувчилар ўртасидаги обруси, дарсда

техника воситаларидан фойдаланиши, мазкур синфнинг раҳбари билан алоқаси ва хоказо.

5. Дарснинг ижобий ва салбий томонлари. Бунда дарс кузатувчи дарснинг боришига илмий методик, дидактик, умумий педагогик ҳамда умумий психологик йуналишдаги тавсифи ичидан дарснинг ютуқ ва камчиликлари териб олинади ва дарс таҳлилини шу қисмига илмий, методик ва умумпедагогик тавсиялари дарс кузатиш дафтарига ёзиши.
6. Дарс хулосаси-дарс режасининг бажарилиши, ўқитувчининг ўз олдида қўйган таълимтарбиявий мақсадига тўлиқ эришишининг ёки эриша олмаганлиги, ўқувчилар билимининг сифати, дарс ёки таълимнинг давлат дастурига, стандартига мослиги, ўқитувчининг илмий-методик жиҳатдан тарбияга муҳтожлиги ёки мазкур ўқитувчининг илғор тажрибасини оммалаштиришга лойиклиги ва ҳакозолар.

Дарс таҳлили асосан ўқув машғулотларини текшириш, ўрганиш шаклида олиб борилади. Бунда қўйидагилар кўзга ташланади:

- а) мактаб директори ва унинг ўринбbosарларининг мактабда ўқитувчи ишига раҳбарлик доирасидаги дарс таҳлили;
- б) ўқитувчининг малакасини оширишга ёрдам бериши, такомиллаштириш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш доирасидаги дарс таҳлили;
- в) ёш ўқитувчилар педагогик жараёнида назарий билимларниамалтётга қай даражада тадбиқ қилинаётганлигини текшириш ва унинг натижаларин ўрганиш, шунингдек ўргатиш доирасидаги дарс таҳлили;
- г) ўқитувчиларнинг ўзаро бир-брларининг педагогик усул ва методларини ўрганиш доирасидаги дарс таҳлили;
- д) ўқувчилар жамоаси ёки бир ўқувчининг билим доираси, ўзлаштириш, ахлоқ мезонларига амал қилиш, ота-оналар, тарбиячилар ва бошқаларнинг дарс таҳлили.

Демак, дарс таҳлилини шартли равища қўйидаги асосий 5 турга бўлиш мумкин:

1. Илмий таҳлил
2. Методик таҳлил
3. Дидактик таҳлил
4. Умумпедагогик таҳлил.
5. Умумпсихологик таҳлил.

Илмий таҳлил. Берилаётган билимларнинг илмий-назарий жиҳати, ўқувчи бажараётган мустақил ишнинг мақсадга мувофиқ йўналиши жиҳатдан тўғрилигини аниқлаш демакдир. Бунда асосан қўйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўқитувчининг шу кунги дарсга илмий-методик жиҳатдан тайёрланганлик ҳолати;
2. Ўз мутахассислигига оид фан бўйича энг янги илмий- назарий ахборотлар билан куролланганлиги;
3. Дарс жараёнида илмий қоида ва таърифларнинг тўғри баён этилиши ҳамда илмий атамаларнинг увчилар онгига сингдириб борилиши;
4. Дарслик материалларининг қўшимча адабиёт материаллари билан бойитилиши;
5. Ўқувчи ва ўқитувчи бажараётган лаборатория, амалий ҳамда мустақил ишларнинг илмий-назарий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги;
6. Ўқувилар мавзуни илмий жиҳатдан тўғри, қисқа ва мукаммал баён этишини ўқитувчи томонидан назорат қилиниши;
7. Дарс давомида янги мавзуни баён этишини ўқитувчи томонидан назорат қилиниши, таълимни тарбия билан боғлаб олиб борилиши;
8. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг нутқ маданияти.

Методик таҳлил. Ўқитувчининг дарс жараёнида қўлланган усул ва методларининг мақсадга мувофиқ эканлиги иаълимнинг турига ва унинг ўзига хос хусусиятларига қараб

белгиланади. Ўкув материалини баён қилиш ва тушунтириш жараёнида қўлланилган усулларинг шу материалга мослиги ёки мос эмаслигини методик таҳлил давомида аниқланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқитувчи дарсда қўллаган усулларининг самарадорлигини ранг-баранглиги, намнавийлиги унинг ўтган янги мавзу материалини ўқувчиларнинг қай даражада ўзлаштирганлиги билан белгиланади. Шу боисдан ҳар бир кузатувчи (ўқитувчи, директор, илмий булим мудири, методист ёки назоратчи) дарс таҳлилиниң бу турига алоҳида эътибор билан қараши керак.

Дарс методларини таҳлил қилишда қўйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

1. Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг ташкилий шаклларига кўра:

- а) ҳикоя усули
- б) оғзаки баён усули
- в) сухбат усули.

2. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришига кўра:

- а) ўқитувчининг сўзлаш усули
- б) кўргазмали қуроллардан фойдаланиш усули
- в) дарслик, контурли карта, диаграмма ёки жадваллар билан ишлаш усули
- г) лаборатория асбоблари билан ишлаш усули
- д) техника воситаларидан (информатика электрон ҳисоблаш техникаси, кинофильм, диафильм, радио, телевизор кабилар) фойдаланиш усули
- е) синф доскасидан, география, тарих ёки зоологияга тегишли бўлган турли карталардан фойдаланиш усули кабилардир.

Дидактик таҳлил. Бу ўқитувчининг ўз дарсини таълим тамойилларига амал қилган ҳолда олиб борганлиги, таълим турлари самарадорлиги ва уни белгиловчи қонун ва қоидаларнинг, атама номларининг дарсда қанчалик тўғри ҳамда мукаммал баён этилганлигини таҳлил қилиш демақдир.

Дарсни дидактик таҳлил қилишда қўйидагиларга эътибор бериш ўринли бўлади.

1. Дарсни ўқитувчи томониданянги педагогик технология асосида олиб борилганлиги.
2. Ўқитувчи баёнинг ғоявий жихатдан таълим-тарбия талабларига мос бўлганлиги.
3. Ўқитувчи фикрининг синф ўқувчилари жамоасига тўла тушунарли булиши ва бу баённинг изчил равишда ўқувчи онгига етиб бориши.
4. Барча ўқувчиларнинг ўқитувчи бераётган мавзуни енгил равишда ўзлаштиришлари.
5. Ўқитувчи баёнида ривожлантирувчи ва муаммоли таълимнинг мавжудлиги.
6. Ўқитувчи фикрининг изчиллиги.
7. Дарс жараёнида кўргазмали қуроллардан, тарқатма материаллар, техника воситаларидан фойдаланишнинг қанчалик мақсадга мувофиқлиги.
8. Экскурсия, тажриба, лаборатория ва амалий ишларда мақсадга эришилганлиги.
9. Дарслик билан ишлашнинг тўғрилиги.
10. Мисолларнинг таълим-тарбия бирлиги асосида йўналиши.
11. Дарснинг маълум бир тизимда олиб борилиши кабилар.

Умумий педагогик таҳлил. Бу дарсдаги ҳамма жихатларнинг қисқа ва ўзаро боғлиқлиги таҳлилидир. Бунда қўйидагиларни ҳисобга олиш ўринли бўлади.

- Ўкув ёки синф хонасининг дарс ўтишга тайёргарлик ҳолати (дарс жихозлари);
- Ўкув кабинети ёки синф хонасининг санитария-гигиена ҳолати;
- Ўқитувчининг дарс мавзуси бўйича таълимиy, тарбиявий ва ривожлантируvчи таълим бобидаги мақсади.
- Ўқитувчининг мазкур дарсга илмий методик ва умумий педагогик жихатдан қанчалик тайёрланганлик даражаси.
- Ўқитувчининг дарс ташкил этиши ва дарс этабларидан тўғри фойдаланганлиги;

- Ўқитувчининг ўқувчиларга таълим-тарбия беришида пелагогик жихатдан намуналилик шахс даражасига кўтарила олганлиги.
- Ўқувчилар билимiga қўйиладиган баҳонинг адолатли ва изоҳли бўлиши.
- Ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллиги, интизоми, мустақил фикр юритиш ҳамда мазкур фан асосларининг ўзлаштириб олганлик даражаси.
- Ўқувчиларнинг ўқитувчи дарсига муносабати ва ҳурмат билан қарави.
- Ўқитувчи дарсдаги раҳбарлик роли ва иш услуби, таълимни тарбияга боғлаши.
- Дарс жараёнида ўлкашунослик материалларидан фойдаланиши.
- Дарсда ўқувчининг ўзлаштириш сифати;
- Ўқитувчининг дарсда асосий мақсадгага эриша олганлиги.
- Ўқитувчининг илмий, методик ва умумпедагогик жихатдан ёрдамга муҳтожлиги кабилар.

Дарсни психологик-педагогик жихатдан таҳлил қилиши.

1. Дарснинг аниқ мақсад ва вазифаларига боғлиқ равишда тузилишига психологик баҳо бериш.
2. Дарснинг мазмунига психологик жихатдан баҳо бериш.
3. Дарсда ўқувчилар билим фаолиятини намоён бўлиши ва уни бошқариш.
- диққатни ташкил этиш.
- идрокни ташкил этиш ва унинг ҳусусияти.
- хотирани фаоллаштириш ва унинг ривожлантирилиши.
- ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини кучайтириш.
- дарсда ўқувчиларнинг хотира тасаввури, репродуктив ва ижодий ҳаёли фаоллашдими?
- Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзига ҳос ҳусусиятларини хисобга олишни қандай амалга оширди?
4. Дарсларнинг ўқувчи шахсининг умумий ривожланишига таъсири.
5. Дарсда ўқитувчи шахси ва фаолиятининг тарбиявий таъсири.
6. Дарснинг натижалари.

Адабиётлар.

1. Р.Ахлиддинов ва бошқалар. «Ўзбекитонда таълимни бошқариш: муаммолар, изланишлар, ечимлар». «Таълим тараққиёти» 2000 йил 3-сон.
2. М.Мирқосимов. «Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари». Т. «Ўқитувчи». 1995 йил.
3. Р.Ахлиддинов, Ф. Носирова, М.Ражабова «Мактаб бошқарувида ички назорат». Тошкент «Шарқ». 1996 йил.
4. «Таълим тараққиёти». Тошкент «Шарқ». 1999 йил. 1-сон.
5. «Таълим тараққиёти». Тошкент «Шарқ». 2001 йил. 3-4 сонлар.
6. М.Мирқосимов «Мактаб ички бошқарув тизимида назорат ва уни амалга оширишнинг педагогик йўналишлари». Тошкент 1998 йил.

Тест саволлари

1. Ички назоратнинг муҳим шаклларидан бири
 - дарсларни ўтилишини назорат қилиш.
 - дарс кузатиш ва таҳлил қилиш.
 - дарс конспектларини текшириш.
 - кўргазмали қуроллардан фойдаланишини текшириш.
2. Дарс таҳлилини қандай турларга бўлиш мумкин?
 - Илмий, методик, дидактик.
 - Умумпедагогик, умумпсихологик.
 - Таълимий, тарбиявий.
 - а ва b жавоблар тўғри.
3. Ўқитувчининг кўргазмали қуроллардан фойдаланишини ўрганиш қайси таҳлилга киради?
 - илмий.
 - методик.
 - дидактик.
 - умумпедагогик.

4. Дарсда ўқувчилар диққатини жалб этишни ўрганиш қайси таҳлилга киради?
а) методик. б) дидактик. с) умумпсихологик. д) илмий.
1-b, 2-d, 3-b, 4-d

Мавзу: *Давлат таълим стандартларини мактаб ҳаётига тадбиқ этиши мониторинги.* (2 соатлик маъруза).

Мақсад: Тингловчиларга ДТС талабалрини бажарилишини таъминлаш ва уни назорат қилиш усуслари ҳақида билим бериш.

Режа:

1. ДТС мониторингини олиб боришнинг аҳамияти.
2. ДТС мониторингини олиб боришни режалаштириш.
3. Назорат материалларини тайёрлаш методикаси.
4. Маъмурият йўналишидаги назорат ишлари.

Хукуматимиз томонидан тасдиқланган «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари» янги ўкув дастурлари билан биргликда 1999-2000 ўкув йилидан бошлаб таълим-тарбия жараёнинг босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Президент Фармонида ва қонунларда белгиландек таълим тизимиға мониторинг жорий этилди. Бу нима дегани?

Мониторинг деганда биз хукумат ва вазирлик қарорларида белгиланган вазифалар ижросини кузатиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва шу асосда таълим - тарбияни ривожлантириш истиқболини башорат қилиш жараёнини тушунамиз.

Мониторингнинг мақсади таълим муассасалари ва таълимни бошқариш органларининг таълим соҳасида қабул қилинган хукумат қарорларини амалга ошириш, таълим ва тарбия мазмунини такомиллаштириш, ўқувчилар билим сифатини ошириш билан боғлиқ фаолиятларни ўрганиш ва таҳлил этиш, аниқланган камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш ҳамда муассасалар жамоаларига амалий ёрдам беришдан иборатdir.

Вазирлик мониторинг жараёнини ҳаётга тадбиқ этишни ташкилий – педагогик ишлардан бошлади. Жумладан, вазирликда замонавий талабларга жавоб берувчи, таълимнинг ривожланишига самарали таъсир этувчи, такомиллаштиришига ижобий йўл очувчи фаолиятининг тегишли дастури белгиланиб, иш услуби ва йўналишлари қайта кўриб чиқилди, бошқарув тузилмасининг мақбул кўринишлари қайта жорий этилди. Буни давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси мисолида қўриш мумкин. Вазирлик тавсиясига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Ҳалқ Таълими вазирлиги, Ташкент шаҳар ҳалқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар (Жиззах вилоятидан ташқари) ҳалқ таълими бошқармалари таркибида ички имкониятлар хисобидан, штатлар жадвали доирасида мониторинг бўлимлари ташкил этилди ва улар ўз фаолиятини бошлади. Шундай қилиб ҳалқ таълими вазирлиги ва унинг жойлардаги ташкилотларида мониторинг тизими жорий этилди.

Маълумки, ўқувчиларнинг билим, кўнирма ва малакаларига қўйиладиган минимал талабларни камраб олган ДТС бошлангич (4-синф) ҳамда умумий ўрта таълим (9-синф) битирувчиларига қўйилган. Шунинг учун ўқувчиларнинг ДТС асосидаги ўкув дастурларини ўзлаштиришдаги таълим самарадорлигини куйи синфдан бошлаб ташкил назоратлар орқали эса чоракма-чорак назорат қилиб борилиши мақсадга мувофиқ. Бу билан ДТС талаблари бажарилишини таъминлашга замин бўлиб боради.

Республика, туман ва шахар миқёсида ташкил назорат сифатида ўтказиладиган мониторинг сайланма тарзда бўлиб, бундан ҳар бири ўқувчининг ДТС асосидаги ўкув дастурларини ўзлаштиришдаги сифат кўрсаткичларини назорат қилиб бориш имконияти чеклангандир. Бундай вазифа фақат ички назоратни ташкил этадиган мактаб миқёсида мониторинг орқали бажарилиши мумкин.

Ўтган икки йиллик тажрибамиз шуни кўрсатдики, мактабга ДТС мониторингини олиб кириш:

- **биринчидан** ДТС асосидаги ўкув дастурларини ҳар бир ўқувчи томонидан нечоғли ўзлаштирилишини аниқлашга;

- **иккинчидан**, синфларда мониторинг натижаларини таҳлил қилиш, ўзлаштириши ДТС талаби даражасида бўлмаган ўқувчиларни аниқлаш, кўрсаткичларнинг паст бўлиш омилларини излаш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш юзасидан ўз вақтида чоратадбирлар белгилаш ва уларни амалга оширишга;
- **учинчидан**, кўпчилик ўқувчилар учун қийин бўлган мавзуларни аниқлаш ва бу мавзуларнинг ўқитиши методикасини қайта кўриб чиқишга;
- **тўртинчидан**, мониторинг натижаларини мактабнинг Мониторинг хонасида жадвал ва диаграммалар кўринишида мужассамлаштириш орқали синф ва мактаб миқёсида ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакалари бўйича ўзаро рақобатни шакллантиришга;
- **бешинчидан**, таълим самарадорлигига қараб фан ўқитувчилари га холисона баҳо беришга, мониторинг натижаларини ота-оналарга етказиш орқали фарзандларининг таълим-тарбиясига бўлган эътиборларини қучайтиришга;
- **олтинчидан**, пировард натижада таълим самарадорлигини оширишга имкон беради.

Тажриба шуни кўрсатдики, ДТС мониторинги синфлар ва ўқув фанлари бўйича белгиланган жадвал (график) асосида оралиқ назорат тарзида ҳар чорак якунида мактаб раҳбарияти маъсуллигида ўзга ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқ. Назорат ишларини ўтказиш жараёнида дарс берувчи ўқитувчи кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

Назорат материаллари ҳар бир ўқувчига алоҳида тарзда берилади. Улар дарс якунида жавоб варақаси ёки бажарган ишлари билан биргаликда қайтариб олинади. Ўқувчиларнинг бажарган ишлари шу куни текширилади ва ведомость тузилади. Мактабда ушбу ўқув фани бўйича параллел синфларда мониторинг ишларини бир кунда ўтказиш тавсия этилади. Бунда назорат материаллари бир хил бўлади. Агар дарс жадвали бўйича бир кунда ўтказишнинг имкони бўлмаса, бошқа кунда мониторинг ўтказиладиган синфлар учун бошқа назорат материалларини қўллаш лозим бўлади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартилари мониторингини ўтказишида кўйилган мақсадга тўлақонли эришиш, мониторинг натижалари самарасини намоён қилиш учун уларни илмий - методик жиҳатдан қайта ишлаш, таҳлил қилиш, жадвал ва диаграммалар тарзида расмийлаштириш, тегишли хulosалар чиқариш лозим. Бу ишларнинг бажарилиши барча ўқув фанлари учун деярли бир хил тарзда амалга оширилади. Шу боис, уларнинг маълум бир синфда ўтказилган бирор ўқув фани мисолида кўриб чиқиш этарлидир.

Мисол тариқасида математикадан 5-синфда 4- чоракда ўтилган 18 соатлик «Касрларни кўпайтириш ва айириш » мавзусига доир оралиқ назорат ўринда тест шаклида ўтказилган мониторинг жараёнини келтирамиз.

Мактабда параллел бўлган 5-синфлар сони 6 та бўлиб, бу синфларнинг барчасида математикадан назорат ишлари дарс жадвалига мувофиқ 2 кунда олинди. Биринчи ва иккинчи куни ўтказилган мониторинг материаллари топшириқлари турлича қилиб тайёрланди. Тест синови 3 та вариантда тайёрланиб битта синфдаги ўқувчиларга етарли даражада кўпайтирилди. Мониторингнинг биринчи куни 4 та синфдан, иккинчи куни қолган 2 та синфдан тест синови ўтказилди. Иккинчи куни ўтказилган тест синови материаллари биринчи кундаги тест топшириқларидан бошқа бўлса-да, улар тенг кучли қилиб танлаб олинди.

Ўқувчиларга 20 тадан тест топшириқлари берилди. Тўғри жавобга- 1, нотўғри жавобга- 0 қўйилди. Натижалар жадвал шаклига акс эттирилди. Жадвал устида 20 та топшириқнинг ҳар бири учун тўғри жавоблар сони жамланди. Бу синф бўйича қайси мавзу яхши, қайси бири паст ўзлаштирилганлигини билишга ёрдам беради. Масалан, тест синовининг 1- топшириғида оддий касрларни кўпайтиришга доир мисол берилган эди. Бу топшириқни 35 та ўқучидан 31 таси тўғри бажарган. Лекин 3-топшириқда берилган аралаш касрларни кўпайтиришга доир мисолни ўқувчиларнинг деярли ярмиси еча олмаган. Демак, ўқитувчи ушбу мавзу устида ўқувчилар билан қўшимча шуғулланиши керак. Ушбу жадвал

хар бир ўкувчи қайси мавзулар бўйича ўз устиларида ишлаш зарурлигини ҳам аниқлаб беради.

Бундай жадвал параллел ҳар бир синф учун тайёрланади. Уларни математика хонасининг Мониторинг ойнасига жойлаштириб қўйилади.

Параллел синфларнинг ҳар бирида ўтказилаган мониторнинг натижалари асосида 5-синфлар бўйича математикадан энг юқори балл олган 10 нафар ўкувчининг эгаллаган ўрни бўйича алохида жадвал қилиб мактабнинг Мониторинг хонасига қўйиш мумкин. Мониторинг натижаларининг бундай жадвалларда келтирилиши ўкувчилар орасида мусобақа руҳини шакллантиради.

Бошқа ўкув фанлари бўйича ҳам ўтказилган мониторинг шу каби расмийлаштирилиши мумкин.

Мониторинг натижаларига кўра, паст натижалар кўрсатган ўкувчиларнинг ўзлаштириш даражасини ошириш учун чора-тадбирлар кўриш, уларнинг ота-оналари билан сухбатлашиш зарур.

Барча ўкув фанларидан ДТС мониторингини фақат чоракнинг охирида ўтказиш шарт эмас. Чунки, назорат ишларининг бир вақтда ўтказилиши ўкувчиларнинг психофизиологик хусусиятига салбий таъсир этиши мумкин. Бир кунда битта синфда иккитадан ортиқ ўкув фанидан ўтказиш мумкин эмас. Шунинг учун мониторингни оралиқ назорат сифатида чорак давомида ўкув фанлари буйича белгиланган жадвал асосида навбатма-навбат ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ички назоратни ташкил этадиган мониторингни ўтказиш расмиятчиликка айланиб қоли ши керак эмас. Назорат ишлари холисоналиқ, демократик асосда ўтказилиши зарур. Бу тадбирларнинг барчаси хукуматимиз томонидан тасдиқланган «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари» ни педагогик амалийтга тўла қонли жорий этишга, ДТС да белгиланган талабларнинг тўлиқ бажарилишига, ўкув дастурларини ўзлаштиришдаги сифат кўрсаткичларини кўтаришга, пировард натижада таълим-тарбия самарадорлигини оширишга хизмат қилиши керак.

Давлат таълим стандартлари ижросини тўлиқ таъминлаш учун таълим жараёнини ва назорат ишларини мақсадга йўналтирилган ҳолда қўйи синфдан бошлаб ташкил этиш лозим. Бунда:

1. Тегишли ўкув фанидан давлат таълим стандарти асосида ўкув дастурининг ҳар бир бўлими ёки йирик мавзулар бўйича минимал талаблар, яъни ҳар бир ўкувчи ўзлаштириши шарт бўлган билим, кўникма ва малакалар белгилаб олиниши лозим. Уларни ўкув йили бошида ўкувчиларга ва уларнинг ота-оналарига етказиш мақсадга мувофиқ.
2. Минимал талаблар белгиланган ҳар бир бўлим ёки йирик мавзу бўйича намунавий топшириқлар (тест, ёзма иш, оғзаки саволлар, амалий машғулотлар ва бошқалар) тайёрланиши ва улар ўкувчиларга ўкув йили бошида берилиши мақсадга мувофиқ.
3. Дарс жараёнида ҳар бир мавзуни ўтишда ва ўкувчилар билимини назорат қилишда белгиланган шу минимал талаблар ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаб бориш зарур.
4. Ўкувчиларга аввалдан берилган намунавий топшириқларга ўхшаш бўлган топшириқлар асосида ҳар бир бўлим ёки йирик мавзу бўйича уларнинг белгиланган минимал талабларини қай даражада ўзлаштираётганликларини аниқлаб олиш керак. Оралиқ назоратда минимал талаблар асосида тузилган энг осон топшириқлардан ташқари, ўкув дастури бўйича ўртacha ва мураккаброқ бўлган топшириқларни ҳам назорат ишларига киритиш мақсадга мувофиқ.
5. Оралиқ назоратдаги минимал талаблар асосидаги топшириқлар ҳар бир ўкувчи томонидан тўғри бажарилишига эришиш зарур. Бундай топшириқларни бажара олмаган ўкувчи қўшимча яна шуғулланиши, ўз билимларини бажара олмаган топшириқларни уddyлай олиш даражасига етказишлари шарт. Акс ҳолда ўқишини тугатишларида давлат таълим стандарти талабларини бажара олмайдилар.

6. Ўқув йили якуни бўйича минимал талаблардан келиб чиқкан ҳолда назорат ишларини ўтказиш, бунда ҳам ҳар бир ўқувчи давлат таълим стандартларининг шу ўқув йилига оид қисмини тўлиқ бажарган бўлишлари зарур.

Оралиқ назорат материаллари қандай тайёрланади?

Назорат топшириқларининг 60-70 фоизи ДТС асосидаги минимал талаблар доирасида, 20-30 фоизи ўқув дастури материали доирасидаги ўртacha мураккабликдаги топшириқлар, қолган 10-20 фоизи қобилиятли ўқувчиларга мўлжалланган мураккаброқ кўринишдаги топшириқлар ташкил этиши лозим. Қобилиятли ўқувчиларга мўлжалланган топшириқлар ҳам ўқув дастури бўйича ўтилган мавзулар доирасида бўлиши керак.

Масалан, мактабнинг 5- синфларида тест синови орқали назорат ўтказилмоқчи, дейлик. Тест синовини 45 минутлик дарсда ўтказиш мулжалланган бўлса, топшириқлар сони 20 та бўлиши мақсадга мувофиқ. Улардан 13 таси (65 фоиз) минимал талаблари доирасидаги осон топшириқлар, 4 таси (20 фоиз) ўртacha мураккабликдаги топшириқлар, 3 таси (15 фоиз) мураккаброқ кўринишдаги топшириқлардан иборат бўлиши мумкин.

Агар назорат ёзма иш шаклида ўтказилса, топшириқлар сони 5 та бўлиши, улардан 3 таси (60 фоиз) осон, 1 таси (20 фоиз) уртacha ва яна 1 таси (20 фоиз) мураккаброқ бўлиши мақсадга мувофиқ.

Назоратнинг бошқа шакллари – диктант, баён, сухбат, оғзаки сўров, амалий топшириқлар орқали натижаларни баҳолашда ҳам ДТС талаблари ва ўқув дастурларида келтирилган ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар асос қилиб олинади.

Маъмурият йўналишидаги назорат ишлари

Мактаб маъмурияти вақти-вақти билан ўқувчиларнинг билим, маҳорат ва куникма даражасини текширади. Олдиндан тайёрланган саволлар бўйича ўқувчилар ўртасида оғзаки сўров ўтказиш, назорат ишлари, тест синовлари, тажриба топшириғи ва бошқа иш шакллари текшириш шакли бўлиши мумкин. Текширишларнинг даврийлиги ҳар хил: чораклар бўйича, ярим йилликлар бўйича бўлиши мумкин. Мактабнинг айрим раҳбарлари текшириш ишларини ўқув йили бошида ҳам ўтказадилар. Шуни тан олиш керакки, бу етарли даражада мақсадга мувофиқдир, чунки заиф томонларини аниқлаб, шу вақтнинг ўзида камчиликларни тутатишга қаратилган зарур ҳаракатларни кўллаш мумкин. Текшириш ишларини ўқув режаси фанлари бўйича режали, мавзули ва ёппасига ўтказиш зарурдир.

Текшириш ишларини ўтказишга тайёргарлик кўра туриб, мактаб раҳбари тегишли методик бирлашма раиси билан биргаликда нимани аниқлашни, қандай маҳорат ва кўникмаларни текширишни, дастурнинг қайси бўлимларининг ўзлаштирилишини текширишни аниқ - равshan белгилаши зарур. Фақат шу саволларга жавоб бергандан сўнгина назорат топшириқларини тузишга киришиши лозим.

Назорат топшириқларини тузга туриб, ўқувчиларнинг билим даражаси давлат таълим стандартлари талабларига мослигини, мантиқий фикраш даражасини, уларнинг ақлий маҳоратларини аниқлаш назарда тутилиши лозим. Шу мақсадда турли даражадаги топшириқлар тайёрланади. Улардан айримларини кўриб чикамиз:

- 1- **даражада** – тайёр ҳолда тақдим қилинган, ўрганилган материални ўзлаштиришни ва шу асосда турли топшириқларни ечишни талаб қиладиган топшириқлар;
- 2- **даражада** – стандарт вазиятларда маҳоратларни мустақил кўллашни (намунали топшириқларни ечиш учун хотирада ахборотни тинглашни) талаб қиладиган топшириқлар;
- 3- **даражада** – ностандарт вазиятларда маҳоратни фикрлаб кўллашни, қайта қуриш ва аввал ўзлаштирилган маҳоратларни синтез қилиш асосида мустақил ечим излашни талаб қиладиган топшириқлар;
- 4- **даражада** – ижодий турдаги топшириқлар, ностандарт вазиятларда аввал ўрганилган материални ва қўшимча манбаларни жалб қилган ҳолда топшириқларни ечишнинг ўзига

хос хусусиятлари. Ўқувчиларда таҳлил ва синтез қилиш қобилияtlарини ривожлантириш даражасини текшириш учун бир неча босқичда ечиладиган, таҳлилий фикр юритишни талаб қиласидан топшириқларни өчиш учун таклиф қилиш мумкин. 4-даражада тестларидаги ечимнинг тайёр эталонлари бўлмаслиги мумкин ва билимлар сифати тўғрисида билимларни қўллаш маҳорати ва ўзига хос жавоблар бўйича хулоса чиқариш мумкин.

Топшириқларнинг биринчи ва иккинчи даражасини оммавий мактабларнинг кўпчилик ўқувчилар муваффақиятли бажариши лозим, 3 ва 4- даражали топшириқлар эса чукурроқ тайёргарликка эга бўлган ўқувчиларга мўлжалланган.

Маъмурый назорат ишларини ўтказишнинг асосий босқичи уларнинг натижаларини диагностик таҳлил қилишдир. Бундай таҳлилни ўтказиш шакли мактаб раҳбарининг танлашига боғлик.

Адабиётлар.

1. Р.Ахлиддинов ва бошқалар. «Ўзбекитонда таълимни бошқариш: муаммолар, изланишлар, ечимлар». «Таълим тараққиёти» 2000 йил 3-сон.
 2. Р.Ахлиддинов, Ф.Носирова, М.Ражабова «Мактаб бошқарувида ички назорат». Тошкент «Шарқ». 1996 йил.
 3. «Таълим тараққиёти». Тошкент «Шарқ». 1999 йил. 1-сон.
 4. «Таълим тараққиёти». Тошкент «Шарқ». 2001 йил. 3-4 сонлар.

Тест саволлари.

1. Ҳукумат ва вазирлик қарорларида белгиланған вазифалар ижросини күзатиш, таҳлил этиш, баҳолаш ва шу асосда таълим-тарбияни ривожлантириш истиқболини башорат қилиш жараёни қандай умумий сұз билан ифодаланади?
a) менталитет. b) маркетинг.
c) мониторинг. d) инновация
 2. ДТС мониторинги қандай назорат орқали амалга оширилади?
a) ички назорат орқали. b) Жорий назорат орқали.
c) оддий назорат орқали. d) ҳамма жавоблар түғри.
 3. Мониторинг натижаларини намоён қилиш деганда нимани тушинасиз?
a) Илмий-методик жихатдан қайта ишлашни.
b) Таҳлил қилиш ва баҳолашни.
c) Жадвал ва диаграммалар тарзида расмийлаштиришни.
d) Тегишли ҳulosалар чиқаришни.
 4. ДТС ижросини назорат қилишни қайси синфдан бошлаш керак?
a) күйи синфдан.
b) 5-синфдан.
c) 8-синфдан.
d) Хоҳлаган синфдан.

1-c, 2-a, 3-c, 4-a.

Мавзу: Маънавий – маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарининг вазифалари ва уларга қўйиладиган талаблар. (2 соатлик маъруза.)

Мақсад: Мактабнинг ички назоратида ва бошқарув тизимида маънавий –маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарининг ўрни, унинг вазифалари, директор уринбосарининг ишини режалаштириш ва маънавий –маърифий тарбия ишларини ташкил этиш усуллари ҳақида билим бериш.

Режа:

1. Директор ўринбосари фаолиятининг мазмуни.
 2. Директор ўринбосарининг асосий вазифалари
 3. Директор ўринбосарининг ҳамкорликда олиб борадиган ишлари.
 4. Директор ўринбосарига кўйиладиган асосий талаблар.

5. Директор ўринбосари ишини режалаштириш.
6. Умумий ўрта таълим мактабларида маънавий-маърифий тарбия ишларини ташкил этиш усуллари

Маънавий – маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси « Таълим тўгрисида»ги , «кадрлар тайёрлаш миллий дастури тугрисида»ги Конунлар, Президент фармонлари, хукумат қарорлари, халқ таълими вазирлиги ва бошқа юқори ташкилотларнинг қарор, буйруқ ва мёёрий хужжатлари талаблари асосида иш олиб боради.

Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий- маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари келгусида директор ўринбосари деб юритилади. Ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ўқувчи –ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг онига она-Ватанига, халқига ва унинг бугунги ишига эхтиром билан қараш руҳида тарбиялашга раҳбарлик қиласди.

Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига камида 5 йил педагогик иш стажига эга бўлган қобилиятли, махалла, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида хурмат –эътиборга лойиқ бўлганлар туман(шахар)халқ таълими бўлими томонидан тайинланади ва бўшатилади.

Жамиятда юксак маънавий-маърифий фазилатларни камол топтириш, миллий мағкуруни шакллантириш, ёшларни бой тарихий ва маданий меросимиз, миллий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга хурмат, Ватанга мухаббат, аклий ва маънавий жихатдан баркамол, иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини тушунадиган ҳамда уларни янги ижтимоий муносабатлар орқали ҳаётга тадбиқ эта оладиган, миллий гоя ва истиқлол мағкураси мустаҳкам бўлган шахсларни шакллантириш директор ўринбосари фаолияти мақсадининг асосини ташкил этади.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.

Асосий мақсадлар:

Ёшларни бой тарихий ва маданий меросимиз, миллий анъаналаримизга хурмат, Ватанга мухаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш. Иқтисодий ислохотларни тушунадиган, уларни ҳаётга тадбиқ этадиган, миллий ғоя ва истиқлол мағкураси мустаҳкам бўлган шахсларни шакллантириш.

Асосий вазифалар

Директор билан:

Синф раҳбари билан:

Психолог билан:

Фан ўқувчилари билан:

Ота-оналар қўмитаси билан:

Махалла фаоллари, жамоат ташкилотлари билан:

Оила билан:

- Умумий раҳбарлик ва ижтимоий ишлар:
- Синф ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар:
- Ўқувчиларнинг кизиқиши, касб танлаши, мойиллигини аниқлаши (тугаракларга) ва тавсия бериши.
- Билим ва тарбия узвийлигини таъминлаш, спорт ва бошқа фанлардан мусобақалар, олимпиадаларни ташкил этиши;
- ота-оналар университети ва бошқа ҳамкорлик ишлари,
- Ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳамкорлик ишлари:
- Мактаб ва оиланинг ҳамкорлиқдаги тарбиявий ишларини муввағиклаптирили.

Директор ўринбосари йил давомида икки маротаба мактаб педагогика кенгаши йиғилишида биринчи ва иккинчи ярим йилликда хисобот беради.:

Директор ўринбосари мактаб директори билан хамкорлиқда:

- мактабнинг иш режасини тузади;
- педагогик йиғилишларда куриладиган масалаларни биргаликда тайёрлайди ва олиб боради;
- мактабдагибарча тадбирларнинг юқори савияда ўтишини таъминлайди;
- ўқитувчиларнинг рағбатлантириш масалалари бўйича тегишли таклифларини киритади;
- мактаб кутубхонасини адабиётлар билан таъминлаш ва бошқа вазифаларни бажаради.

Синф раҳбари билан хамкорлиқда:

- Ота-оналар мажлисини тайёрлайди ва унинг сифатли ўтишини таъминлайди;
- Синфдаги тарбиявий ишларнинг мазмунини яхшилаш борасида иш олиб боради;
- Синф раҳбарининг ижодий изланишига кумаклашади;
- Синфдан ташқари ишларни ташкиллаштиради ҳамда тўғри йўналишда олиб боришга йўлланма беради ва бршқа вазифаларни бажаради.

Мактаб психологи билан хамкорлиқда:

- уқўчиларинг қизиқишиларини аниқлайди;
- уларнинг касб танлашига кумаклашади;
- ўқувчиларни хар томонлама камол топтириш, спорт, бадиий эстетик,техник, экология, сайёхлик ва ўлкашунослик, бозор иқтисодиётига асосланган ёш иқтисодчи, бизнесмен, мененджер, ёш ишбилармонликка, хуқуқий саводхонликка йўналтирувчи тўгаракларга, клубларга, уларнинг қизикиш,имконият ва қобилиятларига қараб жалб қиласди;
- ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини назорат қиласди;

Жисмоний тарбия ўқитувчиси билан хамкорлиқда

- Ўкувчи-ёшларнинг жисмонан бакувват, соғлом ўсиши учун спорт мусобақалари ташкиллаштиради;
- Мактабда спортнинг турли йўналишлари бўйича ўйинлар, мусобақалар ва бошқа спорт тадбирларига бошчилик қиласди;
- Спорт, соғломлаштиришга оид турли - туман тадбирларни амалга оширади.

Ота –оналар кумитаси билан хамкорлиқда:

- ота-оналар университети фаолиятини бошқаради;
- ота-оналарни мактаб фаолиятига кенг жалб қиласди;
- мактабда ўтказиладиган ота-оналар мажлисини ташкил этади ҳамда унинг самарали ўтишини таъминлайди.

Махаллада педагог ташкилотчи билан хамкорлиқда:

- « Оила, махалла, мактаб хамкорлигига» кенгашини олиб боради;
- тарбияси оғир болалар ва хукуқбузарликка мойил бўлган ҳамда носоғлом оиласарнинг болалари билан тарбиявий ишларни мувофиқлаштиради.

«Камолот», «Соғлом авлод учун» жамғармалари билан хамкорлиқда:

- ўқувчилар билан ўтказиладиган ҳамкорликдаги тадбирларни юқори савияда ташкил этади;
- янги тарбиявий дастурларни киритиш бўйича ҳамкорликда ишни ташкил этади.
- Ёшлар билан ўтказиладиган барча спорт ўйинлари, танловлар, мусобақаларга жалб этади.

Оила билан олиб бориладиган вазифалар.

- муаммоли оиласларни аниқлади, уларнинг ижтимоий-психологик тавсифномасини тузади, сабаб ва омилларини аниқлаб, салбий омилларнинг бола шахсига заарли таъсирини олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амал оширади.

ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР.

Директор ўринбосари ўқувчиларга давлат ва хукуматимиз томонидан қабул қилинган барча хужжатлар мохиятини, Президент асаларини ўргатиб ўзбек халқининг миллий урфодатлари, қадриятлари, алломалар ўгитларини яхши билишлари лозим.

- радио, телевидение ва оммавий ахборотнинг бошқа воситалари орқали берилган энг сунгти янгиликлардан боҳабар бўлиши хамда уларнинг мохиятини ўқувчиларга етказа олиши керак;
- синфдан ташқари тадбирларни тайёрлаш ва утказа билиш керак;
- туман, шахар, вилоят, республика миқёсида ўтказаладиган тадбирларда иштирок этиши;
- мактабда ўқувчилар билан тарбиявий ишларни олиб бораётганларга методик тавсиялар бериб бориши;
- муентазам равишда ўз малакасини ошириб туриши, ўз соҳаси бўйича ўтказиладиган семинарларда иштирок этиши керак.

ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ ИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

Маънавий –маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари ўз ишини режа асосида олиб боради ва унинг бажарилишини назорат қиласди.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштиришда мактабнинг умумий режаси, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, болалар етакчиси, ота-оналар кумитаси иш режаларини эътиборган олиши керак. Мактабдан ва синфдан ташқари ўтказиладиган барча тадбирларни муентазам кўриб баҳолайди.

Директор ўринбосарининг иш режаси мактаб директори томонидан тасдиқланади.

Ишни режалаштиришда болаларнинг ёш хусусиятларига, мактаб жойлашган вилоят, шахар, туманинг шарт-шароити, анъаналари, хусусиятларини жойлардаги ижодий бирлашмалар, илмий марказалар билан ўзаро алоқа каби ишларни инобатга олади.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари қайта тайёрлов курсларида ўз малакасини ошириб боради.

Директор ўринбосаринг фаолияти ўз ифодасини топган хужжатлар руйхати халқ таълими вазирлиги томонидан доимий равишда берилиб борилади.

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МАҶНАВИЙ-МАҶРИФИЙ ТАРБИЯ
ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИ.**



**МАҶНАВИЙ-МАҶРИФИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР
ӮРИНБОСАРИНИНГ ИШ ХУЖЖАТЛАРИ НОМЕНКЛАТУРАСИ**

1. Иш режа.

2. Мактабда ўтказилаётган тадбирлар ва уларнинг сценарийлари.(байрам тадбирлари бундан мустасно)
3. Мактабда хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан хамкорликда ўтказилган тадбирлар ҳақида маълумот.
4. Синф раҳбарлари ва синфлар ҳақида маълумот.
5. Тўгараклар ҳақида маълумот.
6. Мактабда навбатчилик ҳақида маълумот.
7. Кутубхона ишлари ҳақида маълумот.
8. Хотин-қизлар кенгаши ва иш фаолияти ҳақида маълумот.
9. Кизлар кенгаши ва иш фаолияти ҳақида маълумот.
10. Эрталабки сабоқлар ва уларда ўқилган маърузалар.
11. 9-11 синф битириувчилари ҳақида маълумот.
12. Мактабда байрамларни нишонланиши ҳақида маълумот. (ҳар бир байрамга алоҳида)
13. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўқитилиши ҳақида маълумот.
14. “Миллий истиқлол ғояси” дарсларини ўқитилиши ҳақида маълумот.
15. Очиқ тарбиявий соатлар ҳақида маълумот.
16. Ота-оналар билан олиб борилган сұхбатлар.
17. Ота-оналар йиғилиши ва унинг қарорлари.
18. “Соғлом авлод” Давлат дастурининг бажарилиши ҳақида маълумот.
19. “Она ва бола” Давлат дастурининг бажарилиши ҳақида маълумот.
20. Юқори ташкилотлардан келган хат ва буйруқлар.
21. “Сунги қўнгироқ” байрам тадбири ҳақида маълумот.
22. Вилоят ва туман миқёсида ўтказилаётган турли тадбирларда мактаб ўқувчиларининг иштироклари ҳақида.
23. Жаҳонда ва Ўзбекистонда бўлаётган сиёсий-иқтисодий янгиликларни ўқувчилар ўртасида ишлаб чиқилишини ҳақида.
24. “Ижтимоий-маънавий мухитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликни олдини олиш чора-тадбирлари туғрисида” ги 130-сонли қарор асосида амалга оширилаётган ишлар ҳақида .
25. “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 36—сонли қарор асосида амалга оширилаётган ишлар ҳақида.
26. Мактабдаги етим ўқувчилар ва улар билан олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида.
27. Мактабдаги руҳий нуқсонли болалар ва улар билан олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида .
28. Бозорда савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланувчи ўқувчилар ва улар билан олиб борилаётган ишлар ҳақида.
29. Ички ишлар ВЕН бўлимига келтирилган ёки хисобга олинган ўқувчилар ва улар билан олиб борилаётган амалий ишлар йиғма жилди.
30. Ўқишдан бўйин товладиган ,давомати ёмон бўлган ўқувчилар ва улар билан олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида.
31. 9-синфни битириб 10-синфга тортилмаган ўқувчилар ҳақида.
32. Жиноят содир этган ўқувчилар ва улар билан олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида.
33. Ўз жонига қасд қилган ўқувчилар ҳақида ва бу холатни олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида.
34. Диний масалаларга мойил бўлган ўқувчилар ва улар билан олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида.
35. Ота-онаси имом, дин хизматида бўлган ўқувчилар ва улар билан олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида.

36. Жиноят содир этган ўқитувчилар ҳақида йиғма жилд.
37. Мактабдаги ўқувчиларнинг айримларига бириктирилган жамоатчи тарбиячилар ва уларнинг тш режалари ҳамда бажараётган ишлари ҳақида.
38. Обуна жараёни ҳақида маълумот.
39. _____
40. _____
-

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. Т. Шарқ 2000 йил.
2. Р.Ахлиддинов ва бошқалар. «Ўзбекитонда таълимни бошқариш: муаммолар, изланишлар, ечимлар». «Таълим тараққиёти» 2000 йил 3-сон.
3. Р.Ахлиддинов, Ф.Носирова, М.Ражабова «Мактаб бошқарувида ички назорат». Тошкент «Шарқ». 1996 йил.
4. «Таълим тараққиёти». Тошкент «Шарқ». 1999 йил. 1-сон.
5. «Таълим тараққиёти». Тошкент «Шарқ». 2001 йил. 3-4 сонлар.

Тест саволлари.

1. Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари синф раҳбари билан хамкорликда...
 - а) Синфда тарбиявий ишларни яхшилаш борасида иш олиб боради;
 - б) Мактабнинг иш режасини тузади;
 - в) Мактаб кутубхонасини адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўради;
 - д) Мактабдаги барча тадбирларни тузади.
2. Маънавий - маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига камида йил педагогик иш стажига эга бўлганлар тайинланади. Чизиқча ўрнига қўйиладиган тўғри жавобни белгиланг.
 - а) 3 йил; б) 5 йил ; с) 8 йил ; д) 10 йил.
3. Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари ўқув йили давомида неча марта ҳисобот беради?
 - а) 4 марта; б) 3 марта; с) 2 марта; д) 1 марта
4. Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари қайси ишларни бажаришда директор билан келишиши керак?
 - а) Мактаб дарслар жадвалини тасдиқлашни;
 - б) Мактабда ўtkaziladigancha sport mусобақалари режасини тасдиқлашни;
 - с) Фанлар бўйича иш режаларни тасдиқлашни;
 - д) барча жавоблар тўғри.

МУНДАРИЖА

1. «Таълим тўғрисида» ги Конун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар ва иккинчи босқичдаги вазифалар..... 5
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг 1998 йил 13-майдаги Ўзбекистон Республикасида «Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» ги 203-сонли ва 1998 йил 16 августдаги «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 390-сонли қарорлари асосида вазифалар... 13
3. Мактабни бошқаришнинг назарий-педагогик асослари.... 19
4. Ўзбекистонда таълимни бошқаришнинг мақсади, вазифалари ва бошқариш фаолиятини ташкил этиш..... 24

5.	Мактаб ишини илмий асосда режалаштириш – түғри бошқаришнинг негизи.....	34
6.	Мактабнинг ички назорати, бошқарув тизимида ички назоратнинг тутган ўрни ва педагогик аҳамияти.....	39
7.	Ички назорат тизимида дарс кузатиш ва уни таҳлил қилиш	46
8.	Давлат таълим стандартларини мактаб ҳаётига тадбиқ этиш мониторинги	53
9.	Маънавий – маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринbosарининг вазифалари ва уларга қўйиладиган талаблар	66
10.	Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринbosарининг иш хужжатлари номенклатураси.....	72